

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**  
**ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД БОБУР НОМЛИ**  
**АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**Қўлёзма ҳуқуқида**  
**УДК.**

**Қурбонов Рафукжон Саибович**

**АББОСИЙЛАР СУЛОЛАСИ ҲУКМРОНЛИГИ ДАВРИДА АРАБ**  
**ХАЛИФАЛИГИНИНГ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ ВА МАДАНИЙ**  
**ТАРАҚҚИЁТИ (750-1258)**

5220200 –Тарих (минтақалар ва мамлакатлар бўйича) таълим  
йўналиши бўйича

**МАЛАКАВИЙ ИШ**

**Илмий раҳбар: Катта ўқитувчи А.ТУРҒУНОВ**

**Андижон 2013 йил**

## МУНДАРИЖА

<b>КИРИШ.....</b>	<b>3-7</b>
<b>I БОБ. АББОСИЙЛАР ДАВРИДА АРАБ ХАЛИФАЛИГИНИНГ ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШИ</b>	
1.1. АББОСИЙЛАР СУЛОЛАСИНИНГ ҲОКИМИЯТ ТЕПАСИГА КЕЛИШИ.....	8-16
1.2. АББОСИЙЛАР ДАВРИДА ХАЛИФАЛИКНИНГ ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШИ.....	17-33
<b>II БОБ. АББОСИЙЛАР СУЛОЛАСИ ДАВРИДА ХАЛИФАЛИКДА ИЖТИМОИЙ ҲАЁТ</b>	
2.1. ХАЛИФАЛИКДА ФЕОДАЛ МУНОСАБАТЛАР.....	34-40
2.2. АББОСИЙЛАР ДАВРИДА ХАЛИФАЛИКДА ХАЛҚ ҲАРАКАТЛАРИ .....	41-50
<b>III БОБ. ХАЛИФАЛИКДА МАДАНИЙ ҲАЁТ</b>	
3.1. ХАЛИФАЛИКНИНГ МАДАНИЙ РИВОЖЛАНИШИ.....	51-55
3.2. ИЛМ-ФАН.....	56-64
<b>ХУЛОСА.....</b>	<b>65-67</b>
<b>Фойдаланилган манба ва адабиётлар</b>	
<b>Рўйхати.....</b>	<b>68-70</b>
<b>ИЛОВА</b>	

## КИРИШ

**Мавзунинг долзарблиги.** Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришиб, ҳуқуқий-демократик давлат ва фуқоролик жамияти қуриш йўлида бормоқда. Мустақиллик халқимиз маънавий уйғониши учун катта имконият яратди. Тарихимиз ва миллий кадриятларимиз тикланмоқда.

Президент И. А. Каримов таъкидлаганидек, “Тарихий хотираси, халқнинг, жонажон ўлканинг, давлатимиз ҳудудининг холис ва ҳаққоний тарихини тиклаш миллий ўзликни англашни таъбир жоиз бўлса, миллий ифтихорни тиклаш, ўстириш жараёнида ғоят муҳим ўрин тутди. Ўзбек олимларининг куч ғайрати билан тарихимизнинг кўпдан кўп ва ўта муҳим саҳифалари янгидан кашф этилмоқда<sup>1</sup>”.

Малакавий ишда Аббосийлар сулоласи ҳукмронлиги даврида (750-1258) Араб халифалигида сулоланинг ҳокимият тепасига келиши, халифалик ҳудудига кирган давлатлар ва халқларнинг турмуш-тарзи, иқтисодий ҳаётининг асосини ташкил этган: деҳқончилик, хунармандчилик, савдо-сотик, феодал муносабатларнинг ўзига хос хусусиятлари ва ўрта аср Европа феодал муносабатларидан фарқи, ўхшашлик жиҳатлари, халифалик иқтисодий ривожланишига катта таъсир кўрсатган халқ ҳаракатлари ва кўзғолонларнинг сабаблари, моҳияти ва оқибатлари, халифалик таркибидаги халқлар яратган маданиятнинг ўзига хос хусусиятлари, бу маданиятнинг бошқа халқлар маданиятига таъсири ва жаҳон маданиятига қўшган ҳиссаси каби масалалар ўз аксини топган.

Бизнинг аجدодларимиз ва ҳудудимиз ҳам бевосита Аббосийлар халифалиги таркибида (VIII-IX асрлар) бўлганли ва халқимиз тарихи

---

<sup>1</sup> Каримов И. А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т., “Ўзбекистон”, 1997, 140-141 бетлар.

ҳам бевосита халифалик тарихи билан боғлиқ бўлганлиги учун ҳам ушбу мавзу бугунги кунда моҳияти ва кўлами жиҳатидан халқимиз тарихини ўрганиш учун ҳам долзарбдир. Бугунги кунда ушбу мавзу кам тадқиқ этилганлиги, шу мавзуга оид илмий адабиётларнинг камлиги бўлсада тўлиқ эмаслиги нуқтаи назаридан долзарблиги билан ажралиб туради.

**Тадқиқотнинг даврий ва географик чегараси.** Тадқиқот ишининг даврий чегараси 750-1258 йилларни ўз ичига олади. Мавзу географик жиҳатдан Аббосийлар халифалигига кирган ҳудудлар яъни Шимолий Африкадан Хитойгача, Арабистон ярим оролидан Каспий денгизигача бўлган ҳудудларни ўз ичига олади.

**Тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари.** Ушбу тадқиқот ишимдан кўзланган мақсад шуки, Аббосийлар ҳукмронлиги даврида Араб халифалигида кечган ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётини ёритиш ва уни илмий адабиётлар асосида таҳлил этишдан иборат. Бу мақсадга эришиш учун қуйидагиларни асосий вазифа қилиб қўйдик:

- Аббосийлар сулоласининг ҳокимият тепасига келиши, унинг сабаблари, шу билан бирга омиллари ва натижаларини кўрсатиб бериш;
- Бу даврда халифаликнинг иқтисодий жиҳатдан тараққий этиши яъни, деҳқончилик, чорвачилик ва ҳунармандчиликнинг ривожланиши йўналишларини ёритиб бериш;
- Халифаликдаги феодал муносабатларнинг ўсиб бориши ва унинг ўзига хос хусусиятларини очиб бериш;
- Аббосийлар сулоласи ҳукмронлиги даврида юз берган халқ ҳаракатлари ва кўзғолонлар (Абу Муслим, Муқанна, Шарик, Бобек, Рофе ибн Лайс кўзғолонлари ва бошқа халқ ҳаракатлари ) натижаларни асослаб бериш;
- Халифаликда маданий тараққиётнинг юксалиши ва унинг жаҳон маданияти тараққиётига қўшган ҳиссасини баён этиш;

— Аббосийлар халифалигида илм-фаннинг турли соҳалари тараққий этиши ва фанларнинг ривож топишига ҳисса қўшган олимларнинг ҳаётини акс эттириш.

**Мавзунинг ўрганилиш даражаси.** Ушбу тадқиқот иши бўйича Чистякова Т. А.<sup>1</sup>, Беляев Е.<sup>2</sup>, Большаков О. Г.<sup>3</sup>, Мец А.<sup>4</sup>, Грюнебаум Г.С.<sup>5</sup>, Босворт Э.<sup>6</sup>, Мюллер А.<sup>7</sup>, Стэнли Лэн-Пуль<sup>8</sup> Фильштинский И. М.<sup>9</sup> асарлари, монографиялар ва бошқа бир қатор илмий мақолалар чоп этилган.

Масалан, Большаков О. Г. История халифата. Т. I-II. (М., 1993.) асарида Уммавийлар ва Аббосийлар сулоласи даврида Араб халифалигининг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маданий жиҳатдан юксалиши ёритилган. Швеция олими А. Мец Мусульманский Ренессанс. (М., “Наука”. 1973.) асарида Аббосийлар халифалигининг ташкил топиши, халифалар ва уларнинг маъмурий бошқаруви, ижтимоий ва маданий ҳаётнинг ўсиш даражаси ўша даврдаги Европа халқлари ривожланиши билан солиштириб ўрганилган. Фильштинский И. М. История арабов и халифата 750-1517. (М., “Восток Запад”, 2006.) асарида Аббосийлар сулоласининг ҳокимият тепасига келиши, шу даврда Араб халифалигининг ижтимоий-иқтисодий ва маданий тараққиёти ўз аксини топган. Грюнебаум Г.С. Классический ислам (600 - 1258 гг, М., 1986.) асарида Аббосийлар даврида халифаликда ислом динининг кенг ҳудудлар бўйлаб тарқалиши ва ёйилиши, ислом динининг ривожланган даври акс этган. Фильштинский И. М. “История арабской

<sup>1</sup> Чистяков Т. А. Арабский халифат. М., 1962.

<sup>2</sup> Беляев Е. Арабы, ислам и арабский халифат в ранне средневековье. М., 1965.

<sup>3</sup> Большаков О. Г. История халифата. Т. I-II. М., 1993.

<sup>4</sup> Мец А. Мусульманский Ренессанс. М., “Наука”. 1973.

<sup>5</sup> Грюнебаум Г. С. Классический ислам (600 -1258 гг) М., 1986.

<sup>6</sup> Босворт К. Э. Мусульманские династии. М., 1971.

<sup>7</sup> Мюллер А. История ислама. Т. 1-2. М., 2004.

<sup>8</sup> Стэнли Лэн-Пуль. Мусульманские династии. М-Т-Б., 1996.

<sup>9</sup> Фильштинский И. М. История арабов и халифата 750-1517. М., “Восток Запад”, 2006.

литературы X-XVIII вв” (М., 1991) асарида шу даврдаги халифаликда адабиётнинг равнақ топиши, адабий муҳит вакиллари ва уларнинг асарларида халифалик ҳаётининг моҳияти очиб берилган.

**Тадқиқотнинг манбавий асоси.** Ушбу Малакавий иш мавзуси бўйича ёзилган манбаларда Аббосийлар халифалигининг ижтимоий, иқтисодий ва маданий ҳаёти кўрсатиб ўтилган. Масалан, Ат-Табарии Мухаммад ибн Джарир. “История ат-Табари” (пер.В.И. Беляева. Т., “Фан”. 1987) асарида халифаликдаги ўша давр воқеаларининг гувоҳлари маълумотлари асосида ёзилган. Бартольд В.В. “Культура мусулманства” (Сочинения Т. 6. Пг., 1918) китобида IX-XII асрлардаги мусулмон уйғониш даврининг ўзига хос хусусияти ва бу даврда ўзининг илмий асарлари билан жаҳон илм-фанига катта ҳисса қўшган олимларнинг фаолияти ёритилган. Бартольд В.В. “Ученые мусулманского ренессанса” (Л., 1930) асарида мусулмон уйғониш даврида ижод этган олимларнинг илмий фаолияти акс эттирилган. Берунии Абу Рейхан. “Памятники минувших поколений” (пер. Салье М.А. Т., 1957) асарида XI асргача бўлган даврда халқларнинг турмуш-тарзи, ҳаёти ва маданияти акс эттирилган. Ибн Хордодбек “Книга путей и стран” (пер. с араб. Валихонова Н. Баку., 1986) асарида сайёҳ ўзи кезиб чиққан ҳудудлардаги мамлакатларнинг жойлашуви, бу ерлардаги халқлар ва савдо йўллари кўрсатиб берилган.

Шунингдек, ушбу мавзу бўйича бир неча монография ва илмий мақолаларда Аббосийлар халифалигидаги ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётнинг у ёки бу соҳалари ўз аксини топган.

**Малакавий ишнинг илмий янгилиги** шундаки, Аббосийлар халифалиги таркибига кирган халқларни ҳаётининг барча соҳалари янги илмий тадқиқотлар асосида ўрганилди. Аббосийлар халифалиги тарихи билан боғлиқ илмий адабиётлар таҳлил этилиб, ундаги маълумотлар бир-бири билан қиёсий ўрганилди. Аббосийлар

хукмронлиги даврида юз берган ижтимоий-иқтисодий ва маданий жараёнлар янги илмий тадқиқотлар ва янгича мафкура асосида таҳлил этилди. Бизнинг аجدодларимиз ва ҳудудимиз ҳам бевосита Аббосийлар халифалиги таркибида (VIII-IX асрлар) бўлганли учун ҳам ушбу мавзу бугунги кунда моҳияти ва кўлами жиҳатидан халқимиз тарихини янги илмий тадқиқотлар асосида ўрганиш муҳим вазифа саналади.

**Тадқиқотнинг назарий - услубий асослари.** Ушбу илмий тадқиқот ишини тайёрлашда Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов асарларида илгари сурилган янги қарашлар, йирик тарихшунос ва манбашунос олимларнинг илмий асарлари ва мақолаларини ўрганишда янги илмий усуллар ва ёндашувлар Малакавий иш учун ҳам назарий, ҳам услубий асос қилиб олинди.

**Малакавий ишнинг таркиби.** Малакавий иш кириш қисми, 3 та боб, 6 та параграф, хулоса, фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати ҳамда иловадан иборат.

## **I БОБ. АББОСИЙЛАР ДАВРИДА АРАБ ХАЛИФАЛИГИНИНГ ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШИ**

### **I.1. АББОСИЙЛАР СУЛОЛАСИНИНГ ҲОКИМИЯТ ТЕПАСИГА КЕЛИШИ**

Уммавийлар сулоласи бошқарувининг сўнги ўн йиллигида Араб халифалигида иқтисодий ва сиёсий инқироз кучайди. Шунингдек, босиб олинган ҳудудлар ва ундан келадиган даромадлар юқори мусулмон амалдорлари қўлида эди. Халифаликка қўшиб олинган шарқий ҳудудлардан даромад кам бўлган. Хазинани тўлдириш учун солиқ ва мажбуриятлар кўпайтирилди. Бу эса халифаликнинг турли ҳудудларида аҳоли норозилиги ва тартибсизлигига сабаб бўлди.

Уммавийлар сулоласининг сўнги халифаси Марвон II (744-750) даврида халифаликнинг турли ҳудудларида Уммавийлар ҳукмронлигига қарши халқ ҳаракатлари кучайди. Бу вазиятдан хорижийлар фойдаланиб қолди. Улар Уммавийларнинг ҳокимиятга келиши даврида (661) халифа Алига қарши чиқиб, Ироқда кўзғолон кўтардилар. Ўшанда уларнинг қаршилиги VII аср охирида Ироқдаги халифа ноиб ал-Хажжож томонидан бостирилди. Хорижийлар яна Мосул шаҳри атрофларида куч тўплаб, Уммавий тузимини ағдариб ташлашга уринишди. Лекин уларнинг ҳаракати халифа Марвон II томонидан бостирилди.

Шу даврда шиаларнинг ҳаракати ҳам Уммавийларни ташвишга солиб қўйди. Шиаларнинг маркази Куфа шаҳри бўлиб, халифа Марвон II Куфадаги шиалар билан келишиш йўлини тутди. Лекин шиалар ҳаракати Жибал, Ахваз, Фарс ва Кирмонга тарқалиб кетди. Натижада Эроннинг ғарбий қисми шиалар қўлига ўтди. Шиаларнинг ғалабаси Уммавийлар сулоласи сиёсатининг кучсизлигини кўрсатди. Халифаликнинг марказий ҳудудлари билан бир вақтда марказий ҳудудларда ҳам солиқлар ва суғориш тизимларини таъмирлаш билан



боғлиқ сабаблар билан норозиликлар кучайиб кетди. Халифа тартибсизликларнинг олдини олиш учун йирик шаҳарларни мустаҳкамлашга буйруқ берди.

Булардан ташқари, бадавийлар яъни, Шимолий Африка қабилалари-кайситлар ва Жанубий Африка қабилалари-кальбитлар ўртасидаги ўзаро курашлар Уммавийлар ҳокимияти кучсизланишига олиб келди<sup>1</sup>. Бадавий қабилалари халифалик армиясининг асосий қисмини ташкил этарди. Шимолий ва Жанубий бадавий қабилалари ўртасидаги курашлар ислом динигача бўлган даврда бошланган бўлиб, Уммавийлар даврида янада кучайиб кетди<sup>2</sup>. Бу кураш иқтисодий манфаатлар юзасидан келиб чиққан эди. Халифа Хишам (724-743) ва Марвон II даврларида Уммавийлар сулоласи кайситларнинг ёрдамига таянарди. Баъзи тадқиқотчилар фикрича, бундай сиёсат Уммавийлар сулоласининг хатоси бўлиб, уларнинг тақдирида муҳим рол ўйнади. Бундай вазиятда халифаликда зиддиятлар кучайиб борди. Суриядаги кальбит қабилаларининг Уммавийларга қарши томонга ўтиб кетиши ва Дамашқнинг хавфли бўлиб қолиши натижасида сўнги уммавий халифалар янги қароргоҳларга кўчиб ўтди. Масалан, халифа Сулаймон (715-717) хавфсиз бўлиш учун Фаластиндаги Рамлуни, халифа Хишам эса Евфратдаги Русафуни ва Марвон II Месопотамиядаги Харранни қароргоҳ қилиб олдилар.

Лекин Уммавийлар ҳукмронлиги учун Хуросон ва Моварауннаҳрдаги кўзғолонлар катта хавф туғдирди. Бу кўзғолонларнинг асосий сабаби иқтисодий ва ижтимоий тенгсизлик эди. Уммавий халифалар ва уларнинг жойлардаги ноиблари сиёсати

<sup>1</sup> Филштинский И. М. История арабов и халифата. 750-1517. М., “Восток-Запад”, 2006, С. 6.

<sup>2</sup> Ацамба Ф.М., Лапина З. Г., Мейер М. С. История стран Азии и Африки в средние века. Часть-2. М., «МГУ», 1987, С. 12.

натижасида норозиликлар янада кучайиб борди. Масалан, халифа Хишамнинг Хуросондаги ноиби Ашрас ибн Абдуллоҳ аҳолини ислом динига киритиш сиёсатини олиб борди. Бунинг учун у жон солиғи ва ер солиғини бекор қилган эди. Бу эса Хуросондаги арабларнинг норозилигини кучайтирди. Шу билан бирга халифаликнинг шарқий ҳудудларида ислом динига киритиш жараёнининг кучайиши форс йирик ер эгаларининг норозилигини кучайтирди. Шу вақтда Хуросондаги ноиблар хазинага тушадиган солиқларни кўпайтириш учун янги-жон солиғини жорий этди.

Моварауннаҳр ва Хуросонга янги Умавийларнинг ноиби Наср ибн Сайёрнинг (738-743) тайинланиши билан форс ва турк маҳаллий аҳолиси ўртасида зиддиятларни келтириб чиқарди. У маҳаллий аҳоли билан муносабатларини яхшилаш учун Моварауннаҳрдаги кўчманчи турклар билан кураш олиб борди. Халифа топшириғига кўра, Наср ибн Сайёр халифаликнинг шарқий ҳудудларида ислом динига киритиш сиёсатини давом эттирди. У барча номусулмон Хуросон маъмурий идораларини бекор қилди. Шундай қилиб, агар Сурияда араб бўлмаган аҳоли давлат хизматига олинган бўлса, Хуросонда эса ислом динига киритиш жараёни жадал олиб борилди. Шунингдек, Наср ибн Сайёр Хуросонда барча давлат ишларини араб тилида олиб боришни жорий этди. Уммавийлар сулоласига қарши норозилик аҳолининг барча табақалари орасида кенг тарқалди. Сўнги Уммавий халифалар шарқий ҳудудларда ўз мулкларини сақлаб қолишга ва ички зиддиятларни бартараф этишга ҳаракат қилдилар. Норозиликларнинг кучайиб бориши шароитида Уммавийлар ҳокимияти ўзининг ижтимоий асосидан маҳрум бўлиб борди. Уммавийлар ҳокимиятини фақат шу сулола бошқарувидан манфатдор бўлган бир гуруҳ араб зодагонлари ва Шимолий Арабистон кайсит қабилалари кўллаб-қувватлаганлар. Деярли бир асрлик (661-750 йиллар) бошқаруви даврида Уммавийлар сулоласи халифалари кўплаб

хатоларга йўл қўйдилар. Улар ҳокимият учун бир-бирлари билан курашдилар, армияда лашкарбошилар ўртасида норозилик кучайди. Биринчи навбатда, иқтисодий инқироз Уммавийлар ҳокимиятини кучсизлантирди. Бу кайфият кенг мусулмон аҳолиси доираларида ҳам тарқалди.

VIII асрнинг иккинчи чорагида Уммавийларга қарши кучли гуруҳ вужудга келди. Улар пайғамбаримизнинг амакиси ал-Аббос уруғи тарафдорлари – Аббосийлар бўлган. Уларнинг фикрича, Уммавийлар гарчи кураш қабилаларидан бўлсада, Муҳаммад пайғамбар уруғига мансуб бўлмаган. Уммавийлардан бўлган Абу Сўфиён Муҳаммад билан душманлик кайфиятида эди. Уларнинг таъкидлашича, Муҳаммад пайғамбарнинг яқин қариндошлари - Аббосийларнинг ҳокимият тепасига келиши мусулмон жамоаларида адолатни тиклайди.

Аббосийлар келиб чиқишига кўра нафақат Муҳаммад пайғамбар билан боғлиқ. Муҳаммад пайғамбарнинг амакиси ал-Аббос пайғамбарнинг отаси Абдуллоҳнинг акаси эди. ал-Аббос давлат бошқаруви ишларига бошқарувига аралашди. 630 йилда Абу Сўфиён Уммавийлар бошлиғи бўлиб олди. Шунинг учун Аббосийлар ҳақиқий ҳокимиятга эга бўла олмади. У Муҳаммад пайғамбар даврида сув таъминотига жавобгар шахс эди. Уммавийлардан халифа Усмон даврида ал-Аббос ўз мулкларини мусулмон жамоаларига бўлиб бериб, 653 йилда вафот этди.

Шундай қилиб, Аббосийларда халифаликни талаб қилишга ҳеч қандай асос йўқ эди. Уларнинг вакиллари гарчи пайғамбарга яқин қариндош бўлсада давлат лавозимларида ишламаган. Шунинг учун Аббосийлар халифа тахти учун курашда ал-Аббоснинг васиятини асос қилиб олдилар.

Гарчи Уммавийларга қарши ҳаракатларнинг маркази Куфа бўлсада, Аббосийлар Моварауннаҳр ва Хуросонда ўз тарғиботларини

олиб борди. Бу ҳудудларда Уммавийларга қарши ижтимоий норозилик тезда тарқалди. Айниқса, Хуросон савдогарлари ва Марв хунармандлари ижтимоий норозиликларнинг бошида турдилар. Куфа ва Басрада ҳам бу ҳаракатлар кенг тарқалди. Бу ерда Уммавийларга қарши тарғиботлар маҳаллий аҳоли томонидан қабул қилинди. Бу шаҳарлардаги Уммавийларнинг армияси тартибсиз жойлашган эди. Хуросон халифаликнинг марказларидан четда жойлашгани учун бу ердаги норозиликларни олдини олиш қийин эди<sup>1</sup>.

Хуросондаги Уммавийларга қарши кучлар-форслар, шиалар ва Аббосийлар тарафдорлари Уммавийлар ҳокимиятини ағдариш ва Пайғамбарнинг яқин қариндошларини халифалик тахтига олиб чиқиш учун ягона мақсадда бирлашдилар. Аббосийлар тарғиботчилари араб ва ноараб халқларни, шиалар, суннийлар, хорижийлар ва маҳаллий аҳолини ўз томонига оғдириш учун ҳаракат қилдилар. Аббосийларнинг ваъдаларига кўра, агар улар ҳокимият тепасига келса, мусулмонлар ноқонуний солиқлардан озод этилади, мусулмон бўлмаган аҳолидан шариатда белгиланган солиқлардан ташқари солиқ олинмайди ва қишлоқ аҳолиси турли оғир мажбуриятлардан озод этилади. Уммавийларга қарши кўзғолонларга бошчилик қилиш учун Алининг ўғли Иброҳим (унинг отаси халифа Марвон II томонидан қатл этилган эди), шиалар имоми ва Абу Муслим 747 йилда Хуросонга жўнатилди. Абу Муслим Куфа шиаларидан бўлиб, уларнинг таълимоти бўйича тарбияланган. Уни Аббосийлар 741 йилда Макка қамоқхонасидан қутқариб олганлиги учун ўзини қарздор деб биларди. Энди Аббосийлар мусулмон диний доиралари орасида мустаҳкам ўрнашиб олиб, Эрон шиаларини ўз томонига оғдириб олдилар.

---

<sup>1</sup> Мец А. Мусульманский Ренессанс. М., “Наука”, 1973. С. 14-15.

Абу Муслим Хуросонда фаол сиёсат олиб борди. У қисқа вақт ичида Уммавийлардан норози бўлган барча кучларнинг Аббосийлар томонига оғдириб олди. Абу Муслим ўз фаолиятининг илк даврида Эроннинг йирик диний раҳномалари, ўзларини Нишопурда пайғамбар деб эълон қилган- Бихафрийлар билан дўстона муносабатлар ўрнатди. Хуросонда Уммавийларга қарши ҳаракат кучайиб борди. Бихафрийлар ҳаракати тарафдорлари зардуштийлик ҳарактерига эга бўлиб, Эрондаги олдинги динни ислоҳ этишга қаратилган эди. Шунинг учун, Абу Муслим Хуросонда ғалаба қилган вақтда 749 йилда Бихафрийларни иттифоқчисини қатл қилдирган эди.

747 йилда Марв воҳасида ўрнашиб олиб, уни қўзғолон марказига айлантирди. Халифаликнинг турли ҳудудларидан келганлар: Эрон деҳқонлари, кальбит араб қабилалари, суннийлар, шиалар ва хорижийлар унинг тарафига ўтиб кетди. Кейинчалик қора ранг Аббосийларнинг расмий ранги деб эълон қилинди.

Хуросондаги воқеалардан хабар топган халифа Марвон II бир неча ҳарбий ҳаракатлар уюштирди. 748 йилда Иброҳимни қамокқа олди ва ўлдирилди. Шундан кейин Аббосийларга раҳбарлик қилиш унинг акаси-Абул Аббос қўлига ўтди. Ва у Уммавийларга қарши курашни охирига етказа олди. 748 йилда Абу Муслим ҳужумга ўтди. У бир гуруҳ Кахтаба бошлиқ қўшинини ғарбга, иккинчи гуруҳини шарққа йўналтирди. Кахтаба қийинчиликсиз Нишопурни эгаллади. Кейин Рай ва Нихаванддан Наср ибн Сайёр қўшинларини сиқиб чиқарди. 749 йил Кахтаба Ироққа бостириб кириб, Уммавийларга қарши қўзғолон марказларидан бири- Куфани эгаллади. Абу Муслим Кахтабани ғарбга юбориб, ўзи шарқий ҳудудлардаги ички муоммоларга эътиборини қаратди. Бу пайтга келиб Абу Муслим раҳбарлигида кўпчилик Хуросон армияси тўпланган эди. Бу пайтда Бухорода шиаларнинг катта норозилиги кўтарилди. Абу Муслим 750 йил катта қўшин билан

Моварауннаҳрга бостириб кириб, Бухорони эгаллади ва кўзғолон бошлиқларини қатл эттирди. Абу Муслим бу ҳаракатлари билан Аббосийларга содиқлигини кўрсатди<sup>1</sup>.

Халифа Марвон II бошқарувининг сўнги беш йилини Мосулдаги хорижийлар, Куфадаги шиалар ва 745 йилда Мисрга ҳужум қилган нубияликлар билан курашда ўтказди. Тўхтовсиз урушлар натижасида унинг қўшини кучсизланиб, Хуросонга юриш қилишга куч йўқ эди. 748 йилдаги Уммавийлар қўшинининг мағлуб этилиши уларнинг ҳарбий салоҳиятига путур етказа олмади. Кахтаба икки йил давомида уммавийлар қўшинига зарба бериб борди. 750 йил бошида Абул Аббоснинг амакиси Абдуллоҳ бошлиқ Аббосийлар қўшини Тигр дарёси қирғоғида Марвон II қўшинларига қаттиқ зарба берди. Аббосийлар Харранни эгаллаб, Дамашққа кириб борди.

Сўнги Уммавийлар сулоласи халифаси Марвон II Мисрга қочиб кетди. Мисрда халифа қолган қўшилари билан кўзғолончилар қаршилигига учради ва Гизада асир олиниб қатл этилди. Шундан кейин, Уммавийларнинг қариндошларини оммавий равишда қатл этиш бошланди. Гарчи уларнинг кўпчилиги Аббосийларга содиқлигини билдирган бўлсада, кейинчалик қатл этилди. Уммавий амирларидан Абдурахмон аввал Ироққа, Шимолий Африкага кейин Андалусияга (Испания) қочиб, у ерда 756 йилда Кордова амирлигига асос солди.

Аббосийлар ҳаракатида бирдамлик йўқ эди. Куфа босиб олинганидан кейин бу ердаги ҳарбий лашкарбошилар Аббосийлар халифалиги тахтига 749 йилда Муҳаммад ибн Алининг ўғли-Абул Аббосни сайладилар.

---

<sup>1</sup> Васильев Л.С. История Востока. Часть-1. Москва «Высшая школа» 2005. С. 231.

Шундай қилиб, халифалик тахтини 749 йилда узоқ курашлардан сўнг Муҳаммад пайғамбарнинг яқин қариндошлари, Алининг авлодлари Аббосийларни эгаллади.

Ҳокимият тепасига келган Аббосий халифалар давлат бошқарувида фақатгина араб қабилалари эмас, балки халифаликка кирган барча давлатларнинг амалдорлари иштирок этдилар. Шунини таъкидлаш керакки, ўрта аср Европасидан фарқли равишда халифаликда ҳокимият диний ва дунёвий ҳокимиятга бўлинмаган яъни дин сиёсатдан ажралмаган. Аббосийлар халифалиги диний давлат эди. Мусулмон жамоалари бошлиғи халифа Муҳаммад пайғамбарнинг авлоди бўлиб, шариат қонуларини бажарувчи чекланмаган ҳокимиятга эга бўлган. 749 йилда халифаликка сайланган Абул Аббос халифаликнинг мутлоқ ҳокими эмас эди.

Аббосийлар сулоласи халифалари бошқарувнинг дастлабки йиллариданоқ Уммавийлар таркибига кирган барча ҳудудларни ўз назоратига ола олмади. Ғарбда Андалусиядан ташқари Шимолий Африка мустақиллик бўлиб чиқди. Аббосийлар фақат Иффрикияни (Тунис) ўз қўлларида сақлаб қолди. Аббосийларнинг асосий рақиби халифаликнинг шарқий ҳудудлари ноибу Абу Муслим эди. Абу Муслим Хуросонда нафақат кучли армия тузди балки шу ердаги араб ва форс халқларини ўзига оғдириб олди. Абу Муслим Хуросоннинг нафақат ҳарбий бошлиғи балки диний раҳнамози ҳам эди. Абу Муслимнинг ўзи Аббосийларга душман бўлмай, балки ҳукмрон сулоланинг содиқ вакили эди. Лекин халифа Абул Аббос Абу Муслимнинг Хуросонда кучайиб кетаётганидан хавфсиранди<sup>1</sup>.

---

<sup>1</sup> Чистякова Т. А. Арабский халифат. М.,1962, С. 64-67.

Абул Аббос вафотидан (754) кейин халифалик тахтига унинг укаси Абу Жаъфар ўтирди. У “Ал-Мансур” (Енгилмас) номи билан халифаликни 20 йилдан ортиқ (754-775) бошқарди. Биринчи Аббосийлар- ал-Мансур, унинг ўғли Маҳдий (775-785) ва набираси ал-Ҳадий (785-786) ва Хорун ар-Рашид даврларида (786-809) Аббосийлар халифалиги марказлашиб, кучли давлатга айланди.



## **I.2. АББОСИЙЛАР ДАВРИДА ХАЛИФАЛИКНИНГ ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШИ**

750 йил Араб халифалигида Уммавийлар сулоласи инқирозидан сўнг ҳокимиятга Аббосийлардан бўлган халифалар келди. Бу сулола халифалари халифаликни 1258 йилгача бошқаришди. Аббосийлар давлати таркибига Шимолий Африка, Арабистон, Олд Осиё, Ироқ, Эрон, Кавказортининг аксарият ҳудуди ва Ўрта Осиё кирган. Фақат 756 йил Испания ҳудудида мустақил амирлик ташкил топди. Аббосийлар халифалиги пойтахти - Боғдод шаҳрига 762-766 йилларда халифа ал-Мансур томонидан асос солинди<sup>1</sup>. Халифа Мансур даврида Аббосийлар ҳокимияти мустаҳкамланади. Халифаликда ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий барқарорлик ҳамда нисбатан тинчлик юзага келади.

Халифаликнинг турли ҳудудларида хўжалик ва маданият ривожлана бошлайди. Ироқ ва жанубий-ғарбий Эроннинг бузилиб кетган суғориш тизимини тиклаш ва кенгайтириш ишлари ташкил қилинади. Халифа Мансур ғарб ва шарқ орасида воситачилик ролини ўйнаган, халифаликдаги савдо алоқаларини, иқтисодий муносабатларини ривожлантиришга, маданий ҳаётни юксалишига катта таъсир кўрсатган. Аббосийлар давлати тарихда Боғдод халифалиги деб ҳам аталган. Араблар олиб борган ҳарбий юришлар, Аббосийлар салтанати таркибига кирган давлатлар ижтимоий-иқтисодий жихатдан бир- бирига боғлиқ эди. Сиёсий бирлаштириш натижасида олдин вайрона бўлган ҳудудларда ягона иқтисодий асос вужудга келди, ишлаб чиқариш кучлари сезиларли даражада таррақий этди<sup>2</sup>.

<sup>1</sup> Васильев Л. С. История Востока. часть-1. –М., «Высшая школа» 2005. С. 231.

<sup>2</sup> Сто великих династий. М., Вече, 2005, С. 78.

Халифа Мутавакил вафотидан сўнг Аббосийлар давлати заифлаша бошлайди. Ҳокимият турк харбийлари қўлига ўтиб кетади. Ҳокимият учун кураш кучайди. Марказий ҳокимият заифлашуви, вилоятларда ноибларнинг таъсирини кучайишига олиб келди. Натижада, IX асрнинг 2-ярмида халифалик бир неча мустақил давлатларга бўлиниб кетади. Миср ва Сурияда тулунийлар, Хуросонда саффорийлар, Моварауннаҳрда самонийлар давлати ва Афғонистонда Ғазнавийлар давлатлари ташкил топди. 1258 йилгача Аббосий халифалар номигагина халифа бўлиб қолдилар.

Аббосийлар ҳокимиятининг мустаҳкамланиши ва сиёсий барқарорликнинг қарор топиши нисбатан ички ва ташқи тинчликнинг таъминланиши қишлоқ хўжалиги, ҳунармандчилик ва савдонинг ривожланишига олиб келди. VIII аср иккинчи ярми – IX асрларда Аббосийлар халифалиги таркибига кирган мамлакатларда хўжалик ривожланган давр бўлди<sup>1</sup>. Аббосийлар ҳукумати хўжалик ривожланишига ҳомийлик қилган. Халифа Мансур даврида суғориш тизими анча кенгайтирилди. Олдинги даврдаги суғориш иншоатлари таъмирланиб, янгилари қурилди. Натижада экин майдонлари анча кенгайиб, ҳосилдорлик миқдори ошди. Кейинги халифалар даврида ҳам суғориш тизимига давлат ғамхўрлик қилди. Бу соҳага катта куч ва давлат хазинасидан катта маблағлар сарф этилди.

Бу даврда дон, техник экинлар етиштириш кўпайди. Боғдорчилик ва чорвачилик ривожланди. Ироқда буғдой, гуруч; Қуфа атрофларида пахта; Ҳузиристонда зиғир, дон, гуруч; Мисрда зиғир, дон, гуруч; Шимолий Африка вилоятларида кунжут, зайтун экиш кўпайди. Шимолий Африка, Арабистон ва Эроннинг шарқий вилоятларида чорвачилик ривожланди.

---

<sup>1</sup> Васильев Л.С. История Востока. Часть-1. М., «Высшая школа», 2005. С. 232.

Ҳунармандчиликнинг турли соҳалари ривожланди. Энг ривожланган соҳа тўқимачилик бўлиб, халифаликнинг ҳамма вилоятларида ип, ипак, жун, газламалар, гиламлар тўқилган. Мисрда юқори сифатли зиғир, ип газламалар; Сурияда ипак газламалар; Ироқда ип- ипак газламалар; ғарбий Эронда гиламлар тўқилган. Айрим шаҳар ва туманлар оз маҳсулотлари билан шуҳрат қозонган. Шунингдек, металсозлик, кончилик, кулолчилик, кемасозлик, тўқувчилик каби ҳунармандчилик турлари ҳам кенг ривожланди. Сурияда металсозлик ривожланган бўлиб, Дамашқ қиличлари ва мис идишлари машҳур бўлган<sup>1</sup>. Қуддусда юқори сифатли шиша идишлар, Самарқандда қоғоз, Халабда бўёқ ишлаб чиқарилган. Кончиликда пергамент, пойабзал ва тери буюмлари ясалган. Денгиз бўйи шаҳарларида кемасозлик ривожланган.

Кончиликда олтин, кумуш, мис, қимматли тошлар, темир ва бошқа маъданларни қазиб олиш кўпайган. Шунингдек, бу даврда меъморчилик билан боғлиқ ҳунармандчилик турлари ҳам ривожланди. Аббосийлар давлати таркибига кирган Андалус давлати (Испания) ўша даврда ривожланган давлатлардан бирига айланди. Мусулмон давлатлари иқтисодиётни ривожлантириш ва халқ фаровонлигини ошириш йўлида катта ишларни амалга оширдилар.

Аббосийлар халифалигида аграр муносабатлар тараққий этган эди. Уммавийлар давридагидек, халифаликдаги барча ерлар давлатга қарашли эди. Шунингдек, олдинги даврларда шаклланган феодал ер эгалиги турлари ҳам мавжуд бўлган:

1. Хусусий ерлар – “мулк” деб аталган.
2. Тортиқ қилинган - ерлар “икто” деб аталган.
3. Жамоа ерлари.

---

<sup>1</sup> Мец А. Мусульманский Ренессанс. М., Наука, 1973. С. 366-368.

4. Қабилаларга тегишли ерлар ва бошқа ерга эгалик турлари мавжуд бўлган.

Аббосийлар даврининг тарихий ва юридик хужжатларида иқтодорларнинг деҳқонларнинг ерларини тортиб олганликлари ҳақида шикоятлар келтирилади. Баъзида иқтодорлар ўз ерларини давлатга қайтариб бериб, янгиларини талаб қилганлар.

IX асрда феодал ер эгалигининг янги тури- вақф вужудга келди. Вақфлар - мусулмон давлат муассасалари бошлиқлари, масжидлар, мактаблар, шифохоналар ва диний амалдорларга берилган ерлардир. Давлат вақф ерларидан ҳеч қандай солиқ олмаган. Балки унинг барча даромади ўша муассасалар ва унинг бошлиқларига тегишли бўлган. Вақфлар нафақат ер балки кўчмас мулк, дўкон, карвонсарой, ҳаммом ва бошқалар тарзида берилган. Ҳар бир мусулмон ўз мулкини вақф деб эълон қилиши ва уни маълум шартлар асосида диний муассасаларга бериш ҳуқуқига эга бўлган. Аббосийлар халифалигида вақфлар ташкилотининг кўпайиши мусулмон диний амалдорларининг таъсирининг ўсишига олиб келди. Ундан ташқари, кўплаб дунёвий феодаллар ўз иқтоларини вақфларга бера бошлади. Бу тадбир ҳам диний ҳам дунёвий феодаллар учун фойдали бўлди. Иқтодор ўз ерини вақф деб эълон қилди ва давлат хизмати ҳамда солиқлардан қочган. Диний феодаллар эса ўзларига тегишли бўлмаган феодаллар ерларидан ҳам даромад олиб турганлар. Бу жараённинг кучайиб бориши халифа ҳокимиятининг заифлашувига ва давлат хазинасига тушадиган даромадларни камайиб кетишига олиб келди.

Аббосийлар халифалигида йирик ерлар феодаллар қўлида тўпланди. Йирик ердорлар халифанинг ўзи ёки унинг яқин қариндошлари эди. Уммавийларнинг йирик ер эгалигини йўқотишга уринишлари хазинага тегишли ерларнинг кўпайишига олиб келди. Бу ерларнинг аксарияти Аббосийлар қўлига ўтиб кетди. Масалан, халифа

ал-Мансур даврида (754 - 775) Авхаздаги 300 минг дирҳам даромад келтирадиган ер феодаллар кўлига ўтиб кетди. Халифалар ўз ерларини кенгайтириш учун барча имкониятлардан фойдаланганлар. Ташлаб кетилган ёки унимсиз бўлиб қолган ерлар халифа мулки деб эълон қилинган.

Хорун ар-Рашид ҳукмронлиги дастлабки йилларида вабо тарқалиб, кўп ерлар бўшаб қолди. Халифа бу ерларни қайта тиклаш учун ўз вакилларини юборди. Энди бу ерлар халифа таъсаруфига ўтишига олиб келди. Аббосий халифалар деҳқонлар ўз ерларини ташлаб кетмаслиги учун оғир солиқлар ва ижара тўлови жорий этди. Аббосий халифаларнинг ер мулклари бир мунча катта бўлган. Уларни бошқариш учун давлат томонидан махсус “мулклар девони” таъсис этилди. Жойларда мулкларни бошқарадиган мансабдорлар жорий этилди.

Халифадан кейинги йирик амалдорлар Аббосийлар хонодонининг яқин қариндошлари бўлиб, улар катта ер мулкларига эга эди. Улар йирик ер эгалари бўлиб, давлатни бошқаришга жалб этилган эди. Улар деҳқонлар жамоалари ерларини эгаллаб олиш ҳисобига ер мулкларини кенгайтириб борганлар. Баъзи вазирларнинг ер мулклари жуда катта эди. Маълумки, халифа Хорун ар-Рашиднинг вазири Яҳё Бармахид бутун бир қишлоқларни ўз қариндошларига бўлиб берган. Вазир ва ноиблар бутун бир вилоят ва ҳудудларга эгалик қилишган. Улар халифа рухсатисиз ҳам ерларни босиб олганлар. Айниқса, кўзғолонлар вақтида деҳқонлар ташлаб кетган ерлар ноиблар кўлига ўтар эди. Йирик ҳудудларнинг ноибларга ўтиб кетиши деҳқонларни қарамлик исканжасига солиб бораверди<sup>1</sup>.

Кўриб чиқиладиган даврда деҳқонлар жамоалари давлатнинг турли ҳудудларида ҳар хил ижтимоий тизим шароитида яшаган.

<sup>1</sup> Петрушевский И. П. Ислам в Иране. Л., 1966. С. 74.

Ироқнинг шимолий қисми, Эрон, Хуросон, Ўрта Осиёнинг баъзи ҳудудлари ҳамда Шимолий Африкада у ёки бу даражада мустақил деҳқонлар жамоалари сақланиб қолган. Лекин Миср, Сурия Фаластин, жанубий Ироқда деҳқонлар жамоалари қийин ахволда қолган эдилар. VIII- IX асрларда Жанубий Ироқда бутун бир деҳқонлар жамоаларини йўқ бўлиб кетишига олиб келди<sup>1</sup>. Уларнинг ерларини йирик феодаллар эгаллаб олдилар. Ҳаттоки, яйловларнинг бир қисми ҳам хусусий мулкка айлантирилди. Уларни сотиш ва мерос қолдириш ҳуқуқига эга бўлдилар. Шунингдек, деҳқонлар жамоалари ичида ҳам тенгсизлик пайдо бўлиб, жамоа бошлиқлари ўз жамоадошларини қуллик асоратига сола бошлади. Йирик ер эгалари томонидан солиқ зулмининг кучайтирилиши оқибатида қишлоқ жамоалари бўлинишини тезлаштирди. Аббосий халифаларнинг йирик ер эгалари билан яқинлашуви натижасида деҳқонларнинг иқтисодий қарамлиги кучайди.

Халифаликнинг баъзи ҳудудларида майда деҳқонлар оғир давлат солиқларидан қочиб, ўз ерларини маълум бир вақтга вақфлар ва йирик ер эгаларига топширганлар. Бу давр ичида вақф эгалари ёки унинг авлодлари деҳқонлар ерларининг ҳақиқий эгасига айланиб борди. Вақф эгалари ўз ерларидан вақтидан олдин ҳам ажралиб қолиши мумкин бўлган. Ўша давр қонунларида таъкидланишича, “Агар вақф эгаси ахлоқсиз ёки ишончли йўқотган бўлса, вилоят ноиблари бу вақф ерларини тортиб олиш ҳуқуқига эга бўлган”<sup>2</sup>.

VIII аср ўрталаридан Аббосийлар халифалигида ички ва ташқи сиёсатда тинчлик ҳукм сурди. Бу эса қишлоқ хўжалиги, хунармандчилик ва савдо ривожланишига олиб келди. Ботқоқлик ҳудудларини қуритилди, янги суғориш каналларини қурилди ва эски

<sup>1</sup> Ацамба Ф.М., Лапина З. Г., Мейер М. С. История стран Азии и Африки в средние века. Часть-2. М., «МГУ» 1987. С. 8-11.

<sup>2</sup> Васильев Л.С. История Востока. Часть - 1. М., «Высшая школа» 2005. С 232.

сунъий суғориш тизимлари қайта таъмирланди. Бу даврда нафақат илгариги қишлоқ хўжалиги тармоқлари ривожланди балки янги соҳалари вужудга келди. Масалан, халифаликда дастлаб Ҳиндистондан келтирилган цитрус мевали дарахтлар экилган. Донли экинлар экиш ривожланди, техник экинлар майдони кенгайтирилди, турли хушбўй ўсимликлар экиладиган бўлди. Халифаликнинг турли ҳудудлари айрим қишлоқ хўжалиги экинларига ихтисослаштирилди. Масалан, Миср дон, шоли, зиғир ва пахта, Шимолий Африка ҳудудлари ёғ ўсимликлари, Сурия ва Фаластин узум, шакарқамиш ва турли мевалар етказиб берарди. Ўрта аср географи ал-Муқаддасийнинг ёзишича, Фаластинда 36 хилдаги қишлоқ хўжалик экинлари етиштирилган<sup>1</sup>.

Арабистон хурмо, Ироқ буғдой ва арпа, Эрон ва Азарбайжон пахта етиштирган. Шу билан бир қаторда Эрон ва Азарбайжонда полиз экинлари етиштирилган. Арабистон, Шимолий Африка ва Эроннинг шарқий ҳудудларида чорвачилик ривожланган эди. Араб отлари ўша даврда бутун дунёга машҳур бўлиб, кўп миқдорда кўшни давлатларга чиқарилган.

VIII аср иккинчи ярмида Аббосийлар халифалиги таркибидан Шимолий Африкада Фотимийлар ажралиб чиқиб, мустақил давлатга асос солдилар. Фотимий халифалар давлат хўжалигини ривожлантириш учун ҳомийлик қилишган. Халифалик иқтисодиётини бошқариш учун махсус маҳкама-деворлар ташкил этилган. Суғориш тизими кенгайтирилган. Қаровсиз қолган ерларни қайта тиклаш учун хар йили давлат хазинасидан 200 минг динар ажратилган<sup>2</sup>. Натижада қишлоқ хўжалиги юқори даражада ривожланган. Экин майдонлари кенгайиб, ҳосилдорлик ошган. Махсус маҳкама Мисрдаги Нил дарёси

---

<sup>1</sup> Ацамба Ф.М., Лапина З. Г., Мейер М. С. История стран Азии и Африки в средние века. Часть-2. М., «МГУ» 1987. С. 4.

<sup>2</sup> Сто великих династий. М., Вече, 2005, С. 186.

сувининг миқдорини назорат қилган, сув тақсимотини тартибга солиш билан шуғулланган. Мисрда дон, гуруч, зиғир, пахта етиштириш кўпайган. Шимолий Африкада зайтун, Сурия ва Фаластинда боғдорчилик, узумчилик, пахта, ипак, шакарқамиш етиштириш ошган. Арабистон ва Мағрибда эса наслдор отлар етиштирилган.

Миср, Сурия ва Фаластин шаҳарлари йирик ҳунармандчилик марказлари бўлган. Мисрда металга ишлов бериш, тўқимачилик, шишасозлик, кулочилик ва кемасозлик ривожланган. Зиғир, жун ва ипак матолар тўқилган. Тунис шаҳри зар матолар билан шуҳрат қозонган. Сурия ва Фаластинда тўқимачилик, заргарлик, атторлик, шишасозлик, қуролсозлик, парфюмерия ва қоғоз ишлаб чиқариш ривожланган. Дамашқда парча ва бошқа турли матолар ишлаб чиқарилган, гилам тўқилган, совун, шиша идишлар, мис буюмлар ясалган. Дамашқ йирик қуролсозлик ва темирга ишлов бериш маркази ҳам бўлган. Дамашқ пўлати ва қиличи машҳур бўлган. Халаб ҳам йирик тўқимачилик маркази бўлиб, ип, ипак ва ярим ипак матолар тўқилган. Фаластин шаҳарларида ярим ипак матолар тўқилган, совун ва кулолчилик буюмлари ҳам ишлаб чиқарилган. Зайтун мойи, қурук мевалар тайёрланган. Қуддус шишасозлик ва тўқимачилик марказларидан бири бўлган. Кемачилик ривожланган бўлиб, Фотимийлар халифалигида катта ҳарбий ва савдо флоти бўлган. Аббосийлар ҳукумати ҳунармандчиликнинг ривожланишига ҳомийлик қилганлар. Айрим маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва улар билан савдо қилиш давлат қўлида бўлган. Давлатга тегишли катта корхоналар ташкил этилган. Улар давлат томонидан хом-ашё ва маблағ билан таъминланган. Мисрда катта кемасозлик корхоналари ташкил этилган. Миср савдо флотининг катта қисми давлатга тегишли бўлган.

VIII-XII асрларда Халифалик таркибига кирган Яқин ва Ўрта Шарқ малакатларида анъанавий ҳунармандчилик ишлаб чиқариши



ривожланган. Халифаликнинг ҳир бир вилоятини ўзининг хунармандчилик маҳсулотлари билан машҳур бўлиб, улар ўртасида доимий маҳсулот алмашилиши бўлиб турган. Айниқса, Мисрда унинг бутун тарихи давомида давлат савдо ва хунармандчилик устидан назорат ўрнатган. Ҳарбий қурооллар, кемалар ишлаб чиқариш давлат назоратида бўлган. Эркин хунармандлар ўз ишлаб чиқарган маҳсулотларини ҳаммасини ёки бир қисмини давлатга беришга мажбур бўлган. Халифаликнинг бошқа ҳудудларида хунармандчилик эркин характер касб этган. Бироқ бу даврда давлат хунармандчилик устидан тўлиқ назорат ўрнатишга эриша олмади.

Мусулмон Шарқи давлатларида тўқимачилик ишлаб чиқариши: каноп, пахта, ипак ва жундан ип йиғириш ва мато тўқиш кенг ривожланган эди. Сурия хунармандлари ипакдан мато тўқишга, Миср шаҳарлари ва Фарс шаҳри каноп матолари билан шуҳрат қозонган. Шунингдек, ипак матолари тўқиш Эрон шаҳарлари: Ҳузиристон, Фарс, Шероз, Исфохон ва Райда кенг ривожланган. Бу шаҳарлар хунармандлари жун матолар ва гиламлар ҳам ишлаб чиқаришган. Пахта толасидан матолар ишлаб чиқиш халифаликнинг шарқий ҳудудлари: Марв, Нишопур ва Қобул шаҳарларида кенг ривожланган. Халифаликнинг барча шаҳарларида майин ва мустаҳкам мовутлар ишлаб чиқарилган. Халифалик шаҳарларида заргарлик буюмлари ишлаб чиқариш ҳам ривожланган эди. Халифаликнинг турли шаҳарларида тери маҳсулотлари, эгар, безак матолар, метал идишлар ва қимматбаҳо буюмлар ишлаб чиқарилган. Сурия хунармандлари Ҳиндистондан келтирилган пўлатдан буюмлар ясаш билан машҳур бўлган. Улар машҳур Дамашқ қиличлари ва ханжарлари, қалқонлари, совут, дубулға ҳамда металдан ясалган идишлари билан машҳур

бўлган<sup>1</sup>. Фарса шаҳри атторлик маҳсулотлари (совун, ёғ ва гул атирлари) ишлаб чиқариши билан машҳур бўлган.

IX аср бошида қоғоз ишлаб чиқариш кашф этилади. Қоғоз ишлаб чиқариш тахминан 800 йилда Хитойдан Самарқандга кириб келган. IX аср ўрталарига келиб Ироқ, Сурия ва кейинчалик Мисрга кириб келди ва қоғоз миср ҳунармандлари ишлаб чиқарган папирусни сиқиб чиқарди. Кейинчалик қоғоз ишлаб чиқариш Ўрта ер денгизи мамлакатларида тарқалиб, у ердан Ғарбий Европага тарқалган.

Кўп асрлар давомида ҳунармандчилик ишлаб чиқариш техникаси ўзгармай келди. Ўрта асрларда ҳам қадимги даврда бўлганидек, ҳунармандчилик анъаналари авлоддан авлодга ўтиб, ўз тажрибаларини сақлаб келганлар. Ҳар бир ҳунарманд ўз шогирдларига эга бўлган. Кўплаб эркин ҳунармандлар ўз маҳсулотларини махсус маҳаллий бозорларда сотганлар. Ҳунармандчиликнинг махсус тармоқларида мураккаб иерархия (табақа) шаклланган. Масалан, матолар билан савдо қилувчи савдогарлар (баззоз) савдо ташкил қилганлар.

Яқин Шарқ минерал ресурсларга бой бўлиб, ўрта аср одами эҳтиёжлари учун етарли бўлган. Темир рудаси мисга нисбатан кам бўлган. Темир рудаси асосан халифаликнинг марказий ҳудудларидан келтирилган. Марказий Осиё ва Эронда кумуш қазиб олинган. Нубияда олтин тангалар зарб этилган. Олтин қазиб олиш ва тангалар зарб этиш билан давлат шуғулланган. Шарқий Эрон ва Шимолий Ҳиндистон қимматбаҳо тошларга бой бўлган. Ироқ қурилиш маҳсулотларига бой бўлган. Эронда пишиқ ғишт тайёрланган. Мисрда шиша ва бўёқлар ишлаб чиқарилаган ва чет давлатларга чиқарилган. Форс кўрфазидан марварид, Қизил денгизидан маржон олинган. Бутун ўрта асрлар

---

<sup>1</sup> Фильштинский И. М. История арабов и халифата. 750-1517. М., 2006. С. 107.

давомида туз қазиб олиш ва уни чет давлатларга чиқариш билан Миср шуғулланган.

Испаниядан тортиб Ҳиндистонгача чўзилган ягона ислом давлатининг вужудга келиши умумий ички бозорнинг шаклланишига олиб келди. Бу катта ҳудуд бўйлаб савдо қарвонлари божларсиз ва ҳеч қандай тўсиқсиз савдо қилган. Фақатгина, IX асрга келиб халифалик ҳудудида айрим мустақил давлатларнинг вужудга келиши билан савдо қарвонлари тўсиқларга дуч келди. Халифалар олиб борган ҳарбий юришлар қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари савдосининг йўналиши ўзгаришига олиб келди. Агар олдин озиқ-овқат маҳсулотлари Мисрдан Константинополга чиқарилган бўлса, энди Арабистоннинг муқаддас шаҳарларига (Макка ва Мадина) ва халифаликнинг қўшни ҳудудларига чиқарилган.

Шундай қилиб, қишлоқ хўжалиги Яқин ва Ўрта Шарқ сиёсий харитаси ўзгаришидан талофат кўрмади. Халифалик ҳудудлари ўртасидаги савдо муносабатларининг ривожланиши маданият алмашинувига шароит яратди. Савдо йўллари бўйидаги шаҳарлар кенгайиб, савдо ва ишлаб чиқариш марказларига айланди. Уларда аҳоли сони кўпайиб, катталиги жиҳатдан ўрта аср Европа шаҳарларига тенглашиб қолди. Ироқдаги Боғдод, Куфа, Басра; Суриядаги Дамашқ ва Антиохия; Мисрдаги Фустат ва Александрия; Шимолий Африкадаги Кайраван ва Фес; Эрондаги Шероз, Исфахон, Рай; Хуросондаги Нишопур ва Марв; Моварауннаҳрдаги Самарқанд ва Бухоро шундай шаҳарлар сирасига киради.

Ички ва халқаро савдонинг ривожланиши билан савдогар шаҳар ҳаётининг муҳим ва таъсирли кишисига айланади. IX аср охири – X аср бошларигача Аббосийлар халифалиги қулагунича савдо муносабатлари халифалик иқтисодиётида ҳал қилувчи рол ўйнаган. Халифаликдаги

савдо операциясилари доираси ўрта аср Европа савдоси доирасидан ҳам катта эди<sup>1</sup>.

Халифалик ҳудудидан Ўрта ер денгизи ва Жанубий Европани Ҳиндистон ва Узоқ Шарқ билан боғловчи халқаро савдо йўллари ўтган эди. Бу йўлларда савдогарлар ва маҳсулотлар учун бозор бўлувчи шаҳарлар жойлашган эди. Бу ҳудуддаги савдо муносабатларининг доирасини биз фақат саёҳатлар ҳақида ёзилган манбалардан билишимиз мумкин<sup>2</sup>. Аббосийлар сулоласи даврида халқаро савдонинг йирик маркази Боғдод бўлиб, XI асрга келиб Қоҳира ҳам шундай марказга айланади. Халифаликда денгиз савдоси ҳам ривожланган эди. Денгиз савдосида Басра ва Сираф шаҳарлари асосий порт вазифасини бажарган. Савдо кемалари Басрадан Форс кўрфазига ёки Сирафдан Оман ва Аден, Шарқий Африка қирғоқларига ва Занзибар оролларига сузганлар. Улар шарқда Ҳиндистон, Малайя, Индонезия ороллари ва Хитойгача (Кантон) сузганлар. Ўз навбатида ҳинд ва хитой савдогарлари халифалик денгиз портларига келиб турган. Икки томондан чиққан савдогарлар Цейлон ва Малайя портларида учрашиб, савдо қилишган.

Халифаликнинг Европа давлатлари билан савдо алоқалари IX асрдан янги босқичга кирди. Византия билан савдо алоқаларига ўзаро урушлар тўсқинлик қилган. Баъзи даврларда савдо алоқалари умуман узиб ташланган. Турк кўчманчи қабилалари ва Рус князликлари билан халифалик ўртасида доимий савдо алоқалари бўлган.

Савдогарлар кемаларда Ҳиндистон, Хитой, Индонезия, Еропа мамлакатларига карвонларда Африканинг ички ҳудудларига, Шарқий Европа ва Марказий Осиё вилоятларига қатнаганлар. Миср, Сурия ва

<sup>1</sup> Фильштинский И. М. История арабов и халифата. 750-1517. М., 2006. С. 110.

<sup>2</sup> Ибн Хордодбек. Книга путей и стран. (пер. с араб. Валихонова Н.) Баку., 1986. С. 12.

Фаластин ички ва ташқи савдода муҳим ўрин эгаллаган. Бу вилоятлар мусулмон мамлакатларининг ғарбий ва шарқий ҳудудлари ўртасида, шунингдек, Осиё, Африканинг ички ҳудудлари ва Европа мамлакатлари ўртасидаги савдода воситачилик қилишган. Бу вилоятларда ишлаб чиқарилган хунармандчилик буюмлари ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари турли мамлакатларга чиқарилган. Миср дони, зиғири, матолари, пахтаси, Дамашқ ва Халаб матолари, қуролсозлик, шишасозлик, кулолчилик маҳсулотлари катта миқдорда четга чиқарилган. Савдо иншоатлари, карвонсаройлар қурилган. Фотимийлар айрим товарлар савдосини давлат монополиясига айлантириб, бу савдодан катта фойда олганлар. Ҳиндистон билан савдо қилиш давлат монополиясига айлантирилган эди. Мисрнинг Фустат шаҳри халқаро аҳамиятга эга бўлган савдо марказига айланди.

Фотимий халифалар олтин ва кумуш тангалар зарб эта бошлаганлар. Шунингдек, Уммавийлар ва Аббосийларнинг пуллари ҳам муомалада бўлган. Давлатнинг кирим ва чиқимлари қаттиқ назорат остига олинган. Фотимийлар даврида давлат даромадлари кескин ортган. Айрим маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва савдо қилишга давлат монополияси жорий қилинган. Катта ерлар, карвонсаройлар, бозорлар, дўкон ва ҳаммомлар, савдо флотининг ярми халифаларга тегишли бўлган.

Иберия ярим оролида (Испания) ҳукм сурган вестготлар давлати 692-716 йилларда араблар томонидан босиб олинди. Мамлакатда мусулмонлар ҳукмронлиги ўрнатилиб, араб ва барбар қабилалари жойлаштирилди. Мусулмонлар Иберия ярим оролидаги Испания ва Португалия ерларини “Андалус” деб атаганлар. Бу мусулмонлардан олдин бу ерга кўчиб келган вандалларнинг арабча айтилишидир.

Аббосийлар халифалигида ердан олинадиган асосий солиқ хирож эди. Аббосийлар оила аъзоларига тегишли ерлар, “катаъи” ерлари ва

вақф ерларидан олинадиган солиқлар халифалик хазинасига тушмаган. Бу солиқлар ижарачилардан ер эгалари ҳисобига ва диний муассасалар ҳисобига олинган. Деҳқонлар ишлайдиган давлатга қарашли ерлардан солиқларни махсус амалдорлар йиғишган. Иқто ерларидан ташқари барча ерлардан ушр солиғини (ҳосилнинг 1/10) ҳисобида олинган) тўлашган. Хирож ва ушр солиғи ўртасидаги фарқ феодал рентани келтириб чиқарган. Аббосийлар халифалигида солиқ тўлаш тизимида маҳаллий шароитга боғлиқ бўлган<sup>1</sup>. Баъзи ҳудудларда масалан, Сурияда мусулмон бўлмаган аҳолидан олинадиган солиқ бутун жамоадан ўрнатилган тартибда олинган. Мусулмон бўлмаган барча аҳоли қатламлари жизья (мусулмонлар ҳомийлиги учун) солиғини тўлаган. Дастлаб хирож ва жизья ягона солиқ сифатида олинган. Уммавийлар даврида жизья фақат мусулмон бўлмаган аҳолидан олинган. Хирож фақат мусулмонлардан олинган. Халифаликнинг кўп ҳудудларидан (Эрон ва Ироқда, Мисрда бошқа шаклда) хирож мусулмон бўлмаган аҳолидан олинган. Аббосийлар ҳукмронлиги даврида эса барча аҳоли қатламларидан олинган. Жамиятнинг барча қатлами солиқлар тўлаш мажбуриятига эга бўлган. Дастлабки даврда мусулмон динини қабул қилган мусулмон бўлмаган аҳолидан хирож олинмаган бўлса, кейинчалик барча аҳоли хирож тўлаган<sup>2</sup>. Бу эса аҳолининг Эрон ва Ироқ шаҳарларига кўчиб кетишига, у ерда мусулмон сифатида шаклланишига олиб келган. Бу эса вилоятларда деҳқончиликка салбий таъсир кўрсатди. Халифаликда ер солиғининг турли миқдорда олиниши жизья солиғининг закотга алмаштирилиш халифаликдага барча аҳолининг исломлашиш жараёнини тезлаштирди.

Халифанинг асосий бойлигини давлат хазинасига тушадиган солиқлар ташкил этган. VIII- IX асрлар чегарасида халифаликнинг

<sup>1</sup> Фильштинский И. М. История арабов и халифата 750-1517. М. "Восток Запад". 2006. С. 104.

<sup>2</sup> Юкоридаги асар. 107 бет.

асосий даромади 530 млн дирҳамни ташкил этган. Ундан ташқари, хазинага солиқлар ўрнига турли йиғимлар тушиб турган. Бу йиғимлар мато, кийим, гилам, шакар, асал, от, туя, филлар ва бошқа буюмлар тарзида йиғиб олинган. Уммавийлар даврида мавжуд бўлган барча солиқлар Аббосийлар даврида ҳам сақланиб қолинди. Шунингдек, янги йиғимлар тизими жорий этилди. Айрим амалдорлар хирож йиғиш ҳуқуқини қўлга киритган. Агар дастлаб бу чора - тадбирлар солиқлар йиғиб олишни тартибга солган бўлса, бошқа томондан солиқ йиғувчиларнинг қирғин қилинишига олиб келди. Гарчи вилоят амирлари солиқ йиғувчилар устидан назорат қилган бўлсада, баъзи вақтларда уларга қарши харбий куч юборишга мажбур бўлганлар. Деҳқонларнинг иқтисодий қарамликка тушиши ва солиқ юқининг оғирлашиши бутун бир ҳудудларни эгаллаб олган халқ кўзғолонларининг авж олишига олиб келди.

Аббосийлар даврида халифаликда солиқ ва мажбуриятлар тўғрисида Абу Юсуфдандан тортиб ал-Мавардийларнинг ҳадислар тўпламларида маълумотлар бор<sup>1</sup>. Шунингдек, уларнинг асарларида халифаликнинг молиявий ишлари, Миср, Сурия ва Шимолий Африка халқлари ўртасидаги солиқларнинг фарқлари тўғрисида ҳам маълумотлар жамланган. Бу даврда халифаликда христиан ва яҳудийлардан жон солиғи, олий табақа вакиллари ҳисобига олинадиган солиқлар оддий халқ елкасидаги оғир мажбурият эди. Бу солиқлар ҳар ойда ҳисобланиб, ерлар учун, тегирмонлар учун олинган. Катта шаҳарларда солиқларни йиғишда ҳосил миқдори кам аҳамият берилган. Қишлоқ жойларидан солиқларни йиғишда деҳқонлар сони ва ҳосил миқдори эътиборга олинган.

---

<sup>1</sup> Адам Мец. Мусульманский Ренессанс. М., Наука, 1973. С. 99.

Халифаликда солиқларни йиғиб олиш вақтини белгилашда форслар календарига амал қилинган. Халифаликда солиқларни йиғишда янги йил баҳорда яъни ҳосил йиғими пайтида бошланган. Шунинг учун IX асрдаёқ халифалар янги солиқ йилини белгилашга бир неча бор ҳаракат қилишган. Масалан, халифа ал-Мутаваккил 857 йилда солиқларни йиғишнинг янги тизимини белгилади. Лекин бу янгиликни жорий эта олмасдан вафот этди. Афсоналарга кўра, халифа ал-Мутаидид ов пайтида бугдойнинг пишганини кўрибқ амалдорларига солиқ йиғишни бошлашни буюрди. Шундан кейин у 894 йилда солиқ йиғиш йилини 11 июлда бошлашни ва солиқ идоралари фаолиятини шунга мослаштиришга фармон берди. 961 йилда ҳар бир 32 йилда бир солиқ йилини ўтказиб юборишга қарор қилинди. Шундай қилиб, ҳар бир 32-йил 33 солиқ йилига айланадиган бўлди<sup>1</sup>.

Халифаликда молиявий ишларини бошқаришнинг бошқа бир ўзига хос усули ҳудудлардаги солиқ идоралари бўлиб, уларнинг ўз хазинаси бўлган. Улар ўз хазинаси ҳисобидан ҳудуд харажатларини (нафақат ратиба) қоплаган, кўшинни таъминлаган. X асрдаги Хуросон солиқ идораларидан бирида иш фаолиятини ал-Хваризма ўз асарида ёритиб берган<sup>2</sup>:

Солиқларни белгилаш (канун);

Солиқ ҳисоби (авараж). Бунда ҳар бир солиқ тўловчининг исми ва солиқ миқдори кўрсатилган;

Дафтар (рўзномаж). Унга кундалик ҳаражатлар ва киримлар ёзиб борилган;

Ёпиқ ой (хатма);

Ёпиқ йил (хатма жамиъа);

<sup>1</sup> Адам Мец. Мусульманский Ренессанс. М., Наука, 1973. С. 100.

<sup>2</sup> Ал-Хваризма. Мафатих ул-улум. С. 54.



Касса китоби (таъриж). Бунда айрим тўлов суммалари қайд этиб борилган;

Ҳисобот (арида). Бунда рўйхат 3 устунга бўлинган: биринчи устунда солиқ тўловчилар рўйхати, иккинчи устунда солиқ сифатида олинган сумма ва учинчи устунда солиқ миқдорлари фарқлари ёзилган (Кўп ҳолларда тўланган солиқлар кам қилиб ёзилган);

Солиқ тўлаш рўйхати (бараъа);

Жами ҳисоб (жамаъа);

10) Ҳисобдан олиб ташлаш (мувафақа).

Шунингдек, бу муаллиф асарида 918 йилги халифалик давлат хазинасининг ҳажми ҳам сақланиб қолган.

## **II-БОБ. АББОСИЙЛАР СУЛОЛАСИ ДАВРИДА ХАЛИФАЛИКДА ИЖТИМОЙ ҲАЁТ**

### **II.1. ХАЛИФАЛИКДА ФЕОДАЛ МУНОСАБАТЛАР**

Аббосийлар сулоласи ҳукмронлиги давридаги феодал муносабатлар тўғрисида сўз кетганда шуни таъкидлаш керакки, бу даврда ерга эгалик қилиш усуллари ўзгарди ва янги шакллари вужудга келди. Агар Уммавийлар даврида иқто ер мулклари ерга ишлов бериш ва солиқ тўлаш шарти билан берилган бўлса, Аббосийлар даврига келиб ер мулклари бериш шартлари мураккаблашди. Иқто айниқса, IX асрдан ҳарбийларга бериладиган бўлди<sup>1</sup>. Иқто ер мулклари олиш учун давлат ва ҳарбий соҳада ишлаш шарт қилиб қўйилди. IX асрдан иқто фақат ҳарбийларга бериладиган бўлди. Давлатдан ер мулк олган феодаллар деҳқонларни ишлатиш ҳуқуқига эга эди. Бу тизимнинг ривожланиши феодаллар синфининг иқтисодий ва сиёсий кучайишига ҳамда халифалик ҳокимиятининг кучсизланишига олиб келди. Феодал муносабатлар мураккаблашиши жараёнида иқтодорлар ўз ерларини мерос қолдиришга, давлат хизматидан қочишга ва эгалик қилиш ҳуқуқини сақлаб қолишга интилдилар.

Ерларни иқто қилиб беришнинг манбаи хазинага тегишли ерлар бўлиб қолди. Лекин феодаллар ўз ерларига қўшни деҳқонлар ерларини эгаллаб олдилар. Ат-Табарийнинг хабар беришича, халифа ал-Мустаин Табаристондаги хазинага тегишли ерларни феодаллардан қайтариб беришини сўраган<sup>2</sup>.

---

<sup>1</sup> Грюнебаум Г.С. Классический ислам. (600 -1258 гг.) М., 1986. С. 93-96.

<sup>2</sup> Ат-Табарии Мухаммад ибн Джарир. История ат-Табари (Пер.В. И. Беляева). Т., «Фан». 1987. С. 253.

Халифалар олиб борган ҳарбий юришлар Аббосийлар халифалиги ҳудудига кирган Шарқ давлатлари ижтимоий-иқтисодий ҳаётида бирлаштирувчи рол ўйнади. Бу бирлашув халифалик ҳудудлари ўртасида иқтисодий ва маданий алоқаларнинг кенгайишига, қишлоқ хўжалиги ва ҳунармандчилиги маҳсулотлари алмашинувига олиб келди. Уммавийлар сулоласи ҳукмронлигининг халқ ҳаракатлари ва кўзғолонлар натижасида инқирози ва Аббосийлар сулоласининг ҳокимият тепасига келиши учун олиб борилган курашлар натижасида халифаликда ҳудудлар (ноибликлар) ўртасидаги ўзаро иқтисодий алоқалар қисқариб кетди ва халифалик хўжалик ҳаётига путур етказди.

Гарчи Аббосий халифалар деярли ҳарбий ҳаракатлар уюштирмаган бўлсада, бу даврда халифаликда ички низолар бўлиб турарди. Бу низолар халифалик хўжалик ҳаётига таъсир қилмасдан қолмасди. Қабила бошлиқларига тортиқ сифатида берилган ерларга одатда ишлов берилмасди. Кўчманчи қабилаларнинг кўчиб юриши натижасида ерлар қаровсиз қоларди. Аббосийлар халифалигига кирган ҳудудлар субтропик иқлим зонаси бўлиб, асосий қисмини сувсиз чўллар ва саҳролар ташкил этарди.

Халифаликда деҳқончилик сунъий суғоришга асосланган эди. Деҳқончилик учун қулай ерлар фақат Ироқ айниқса, унинг қуйи қисми, Нил ҳавзаси айниқса, Дельта бўлиб, сунъий суғориш тизими ривожланганлиги учун йилда икки марта ҳосил олиш имконини берарди. Халифаликда сув муоммоси муҳим бўлиб, ислом дини вужудга келгунигача ҳам бу ерда каналлар қазилган ва сувни баландга олиб чиқиш воситалари ҳам бўлган. Сув тақсимотида катта эътибор берилган. Суғориш тизимларини таъмирлаш ишлари давлат даражасида олиб борилган.

Ерга ишлов бериш усуллари содда бўлган. Ерлар ҳар йили жамоа аъзолари орасида тақсимланган. Катта ер мулкларида ҳам кичик

ерларда ҳам унига ишлов бериш усули бир хил бўлган. Шамол ва сув тегирмонлари мавжуд бўлган.

Аббосийлар сулоласи ҳокимият тепасига келган пайтда халифаликнинг барча ҳудудларида айниқса, Ироқда суғориш тизимлари яроқсиз ҳолга келиб қолган эди. Аббосийлар сулоласининг дастлабки халифалари халифалик ҳудудидаги суғориш тизимларини яхшилашга, каналлар, тўғон, сув омборлари қуриш орқали давлат иқтисодиётини тиклашга катта эътибор берганлар. Халифаликдаги бу суғориш тизимлари Уммавийлар сулоласининг сўнги даврида кенгайиб кетган халқ кўзғолонлари натижасида бузилиб кетган эди.

Асосий қишлоқ хўжалиги экинлари буғдой ва арпа эди. Боғларда турли хил мевали дарахтлар асосан, хурмо экилган. Узумчилик ва олхўри етиштириш кенг тарқалган эди<sup>1</sup>. Шакарқамиш, пахта, цитрус мевалар ва каноп кўп етиштирилган.

Халифалик ҳудудига кировчи мамлакатларда қишлоқ хўжалигининг аҳамияти махсус адабиётларда ўз аксини топган. IX аср Ибн Вахшининг “Китоб ал-фалах ан-набатия” асари Месопотамия қишлоқ хўжалигига бағишланган. Шунга ўхшаш асарлар Эрон, Андалусия ва Йеменда яратилган. Араб муаллифлари бу асарларида қадимги Юнонистон ва Шарқ давлатлари муаллифлари анъаналарини давом эттирган. Мусулмончилик тушунчасига кўра, барча ерлар худога тегишли. Ким ердан тўғри ва унумли фойдаланса, худо унга ер тортиқ қилади, деб тушунилган. Шунинг учун араблар босиб олган ҳудудларида хусусий ер эгалигини сақлаб қолганлар<sup>2</sup>. Ерларнинг олдинги эгалари арабларга солиқлар тўлаш шарти билан ўз ерларини сақлаб қолганлар.

<sup>1</sup> Мусульманский мир (950-1150). Сбор. статей. (отв. ред. Наумкин В.В. и Пиотровский М. Б. ) М., 1981. С. 49-53.

<sup>2</sup> Фильштинский И. М. История арабов и халифата. 750-1517. М., 2006. С. 99.

Ерларнинг кўп қисми давлат хазинасига тегишли бўлган. Айрим кишлоқ ва бутун бир туманлар аҳолиси билан бирга халифалик хусусий мулки ҳисобланган. Бу ерлар ҳарбий хизмат қилиш мажбурияти билан деҳқонларга берилган. Бу ер эгаллиги иқтоъ деб аталади. Иқтоъ тушунчасини ғарбий Европа феодал поместье ёки ленга қиёс қилиш мумкин<sup>1</sup>.

Шундай қилиб, ерларни иқтоъ тарзида бериш деҳқонларнинг иқтисодий аҳволининг яхшиланишига олиб келмади. Улар олдингидек ерлари учун солиқ тўлашган. Аббосийлар халифалигидаги ер солиғини ғарбий Европадаги феодал рентасига қиёслаш мумкин<sup>2</sup>. Аббосийлар халифалигининг сўнги даврида халифаликнинг марказий ҳудудларида мавжуд бўлган солиқлар йиғишни мерос қолдириш ҳуқуқи Бувайхийлар ва Салжуқийлар ҳукмронлиги даврида ҳам сақланиб қолган. Солиқларни йиғувчи амалдор шахс ўз еридан олинадиган солиқларни ўзига олиб қолиб, феодал рентасига айланиб борди. Иқто ерлар ҳарбий хизмат даврида ёки умрбод берилган. Вақт ўтиши билан иқто ерлар мерос қолдириладиган бўлди.

Аббосийлар сулоласи ҳукмронлиги даврида халифаликнинг марказий ҳудудлари биринчи навбатда, йирик суғориш тизимларига эга бўлган Ироқ ва Миср давлатнинг хусусий мулки ҳисобланган. Давлатнинг хусусий мулки бўлган ерлар “савафи” деб аталиб, улардан солиқларни махсус амалдорлар йиғиб хазинага етказган<sup>3</sup>. Шунинг учун, халифаликда йирик ер эгаллиги билан майда ер эгаллиги биргаликда мавжуд бўлган.

Шунингдек, Аббосийлар сулоласи ҳукмронлиги даврида халифаликда мулк ерлари ҳам мавжуд бўлган. Бундай ерлар халифа, унинг қариндошлари, “муқаддас уруш”ларда ўзини кўрсатган

<sup>1</sup> Мец Адам. Мусульманский Ренессанс. М., “Наука” 1973. С. 112.

<sup>2</sup> Юқоридаги асар. 114 бет.

<sup>3</sup> Фильштинский И. М. История арабов и халифата 750-1517. М., “Восток Запад”. 2006. С. 101.

амалдорлар ва Аббосийлар сулоласини қўллаб-қувватлаган табақаларга мансуб бўлган. Бундай ер эгаллиги халифаликнинг шарқий ҳудудларида биринчи навбатда, Эронда кенг тарқалган эди. Мулк эгалари ўз ерларини сотиш, сотиб олиш, тортиқ қилиш ва мерос қолдириш ҳуқуқига эга бўлган. Мулк ерларига чорикорлар ишлов берган. Йирик ер эгалари ўз ерларини фаллоҳ-деҳқонларга маълум шартлар асосида ижарага (музараъа) берган. Табиий шароитга боғлиқ бўлган ҳолда ижара тўлови баъзида ҳосилнинг ярмини ташкил этган.

Йирик ер эгалари ва ижарачилар ўртасида бу келишувнинг бошқа усуллари ҳам мавжуд бўлган. Сунъий суғоришга асосланган ерларда (мусакат) олинган ҳосил ер эгалари ва ижарачилар ўртасида тенг бўлинган. “Мугараса” шаклига кўра, ижарачи ҳосилнинг ярмини ер эгасига берган. Йирик ва майда ер эгаллиги ўртасидаги муносабатларни кўрсатиб бериш қийин. Лекин шубҳасиз, ижтимоий табақаланиш мавжуд бўлган. Йирик ер эгалари асосан Али ва Аббосийлар уруғи вакилларига тегишли бўлган. Лекин ижтимоий жиҳатдан барча мусулмонлар тенг деб қаралган. Йирик ер эгалари ва деҳқонлар ўртасидаги душманона муносабатлар ўша давр тарихий йилномаларида ўз аксини топган<sup>1</sup>. Уларда таъкидланишича, қишлоқ жойларида меҳнат (Қуйи Ироқдан ташқари) эркин бўлиб, қуллардан асосан уй хўжалигида фойдаланишган. Ерлардан феодал рента оброк ёки пул тарзида олинган.

Ўрта асрларда Ғарбий Европада Мусулмон Шарқидан фарқли равишда йирик ер эгалари ўз поместьеларида эмас, балки шаҳарларда яшаган<sup>2</sup>. Шунинг учун деҳқонлар Ғарбий Европадагидек ер эгаларининг мулкларида баршчина хизматини ўтамаган. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, ўрта аср Европасидан фарқли равишда халифаликка кирган

<sup>1</sup> История стран зарубежной Азии в средние века. (отв. ред. Голдобин А. М. и Гольдберг Д. И.) М., 1970. С. 122-125.

<sup>2</sup> Фильштинский И. М. История арабов и халифата 750-1517. М., “Восток Запад”. 2006. С. 103.

давлатларда феодал поместьелар давлатнинг иқтисодий ҳаётида ҳал қилувчи рол ўйнамаган.

Халифаликда ерларнинг аксарият қисми диний муассасалар-масжид, мадраса кейинчалик сўфийлик оқими тарафдорлари тасарруфида бўлган. Диний муассасаларга қарашли мулклар мусодара этилмаган. Шунинг учун кўплаб йирик ер эгалари ўз ерлари хавфсизлигини таъминлаш ва солиқлардан озод этиш учун вақф ерлари ихтиёрига берганлар. Вақф ва вақф мулки эгалари ўз ерларидан олинган ҳосилнинг бир қисмини диний муассасаларга берганлар. Шу усул билан улар ўз ерларининг меросга қолдирилишини таъминлаганлар. Вақт ўтиши билан диний муассасалар ҳомийлигига берилган ерлар вақф мулкига айланиб, жамият ижтимоий ҳаётида жиддий ўзгаришларга олиб келган. Вақф мулки ҳисобига яшовчи аҳоли қатлами вужудга келди. Шунинг учун диний муассасалар эгалари ҳарбий лашкарбошилар ҳимоясидан фойдаланган.

Ўз навбатида лашкарбошилар ўз мавқеларини ошириш учун улардан фойдаланганлар. Феодал муносабатларнинг бундай ривожланиши натижасида вақф эгалари ва ҳарбийлар ўртасида мустаҳкам иттифоқ ўрнатилди. Бу иттифоқ Аббосийлар сулоласи ҳукмронлигининг сўнги даврида халифалик ижтимоий ва маданий ривожланиши учун салбий рол ўйнади.

Ғарбий Европадан фаркли равишда ўрта аср мусулмон дунёсининг бутун иқтисодий ва маданий ҳаёти шаҳарларда юз берди. Шаҳарларда халифа ва султонлар, вилоят ноиблари ва лашкарбошилар яшаб, шу ердан халифалик бошқарилган, солиқлар ва бошқа барча бойликлар шу ерда тўпланган. Халифаликнинг турли ҳудудларида урбанизация жараёни турлича кечган. Халифаликдаги шаҳарлар антик давр қишлоқлари ўрнида пайдо бўлди. Масалан, Боғдод шаҳри қадимги Ктесифон шаҳри яқинида вужудга келди. Лекин бу қадимги шаҳарнинг

қолдиқлари сақланиб, қолмаган. XI-XII аср марказий Италия шаҳарларидан фарқли равишда халифалик шаҳарлари ўзига мустақил бўлмаган. Шаҳарлар мустақил бўлгани учун ҳам мусулмон давлатлари кучли ва марказлашган бўлган. Агар Европа шаҳарларида барон ва рицарлар ўз поместье ва қалъаларида яшаган бўлса, мусулмон феодаллари шаҳарларда яшаган.

Араб ҳарбийлари ҳам қишлоқ жойларига нисбатан кўпроқ шаҳарларда яшаганлар. Бундай шаҳарларга Куфа, Басра, Фустат, Кайраван ва бошқаларни киритиш мумкин. Уммавийлар сулоласи хукмронлиги даврида Боғдод VIII-X асрларда ва XI асрда Қоҳира шаҳарлари Контантинопол шаҳари билан рақобатлашарди. Шаҳарлар ва қишлоқларнинг ижтимоий-иқтисодий тузилиши жиддий фарқ қилган.



## II.2. АББОСИЙЛАР ДАВРИДА ХАЛИФАЛИКДА ХАЛҚ ҲАРАКАТЛАРИ

Аббосийлар халифалиги ижтимоий ҳаётида бутун халифаликда авж олиб кетган халқ ҳаракатлари ва қўзғолонлари муҳим ўрин тутди. Аббосийлар сулоласи ўзи Уммавийларнинг охириги даврида авж олиб кетган халқ қўзғолонлари натижасида ҳокимият тепасига келган эди<sup>1</sup>. Аббосийлар даврида ҳам халқ қўзғолонлари давом этди. Халқ қўзғолонларининг доираси ва ҳудудлари кенгайиб бораверди. 751 йил Бухорода келиб чиқиши араб бўлган **Шарик** бошлиқ йирик қўзғолон бошланди. Муаррих ат -Табарийнинг хабар беришича, бу халқ ҳаракатида 30 мингдан ортиқ араблар, суғдлар ва бошқа маҳаллий аҳоли иштирок этган. Шарик қўзғолони феодалларга, феодал зулмига ва халифаликка қарши қаратилган эди. Бу қўзғолон аввало синфий қўзғолон эди. Уммавийлар ҳокимиятини қулатган қўзғолон раҳбари Абу Муслим Аббосийлар тарафида туриб, Халифа томонидан Шарик қўзғолонини бостириш учун юборилди. Қўзғолончилар 37 кун давомида халифа қўшинларига қарши турди, охир - оқибат уларнинг кучлари тор мор этилди. Бухоро шаҳри ёндирилди. Қўзғолон иштирокчилари қатл этилди. Шарик қўзғолони билан бир вақтда Ироқ ва Арабистонда хорижийлар шиори остида йирик қўзғолонлар юз берди. Бу қўзғолонларни халифа қўшинлари икки йил давомида бостирди. Гарчи Абу Муслим халифалик шарқий ҳудудлари ҳокими бўлсада, халифага хавф туғдира бошлади. Шунинг учун 755 йил халифа буйруғига кўра, Абу Муслим ўлдирилди. Бу эса янги халқ қўзғолонлари авж олиб кетишига олиб келди. 755 йил бошланган янги қўзғолонлар маркази Нишопур ва Рай шаҳарлари бўлди. Бу қўзғолонга хунармандлардан келиб чиққан **Сумбад** бошчилик қилди.

<sup>1</sup> Фильштинский И. М. История арабов и халифата 750-1517. М., “Восток Запад”. 2006. С. 10-11.

Қўзғолончилар таркиби турлича эди. Қўзғолончилар дехқонлар, хунармандлар ва майда савдогарлар бўлиб, араблар, суғдлар ва турли этник қатламлар, турли эътиқод вакиллари( шиалар, зардуштийлар, хуррабийлар) эди. Қўзғолончилар шиори мулкый тенгликни таъминлаш эди. Шунингдек, қўзғолончиларни бирлаштириш ва ягона мақсад йўлида курашиш учун диний шиорлар ҳам ишлаб чиқилди. Қўзғолон 70 кун давом этди. Қўзғолончилар халифа қўшинларини бир неча бор мағлубиятга учратиб, қўшин қўмондонларини ўлдирдилар. Қўзғолончиларнинг кучлари тўхтовсиз урушлар натижасида кучсизланиб борди. Уларга Хузиристон, Форс ва Исфохон бирлашган қўшинлари қарши чиқиди. Рай шахридаги қўзғолончилар уч кун давомида халифа қўшинларига қарши турди. Ниҳоят, тўртинчи кун шаҳар забт этилди, қўзғолон бошлиғи Сумбад ўлдирилди. Халифа қўшинлари қўзғолончиларни шафқатсиз жазолади, 10 минга яқин одам ўлдирилди, аёллар ва болалар асир олинди. Қочиб қутулган қўзғолончилар халифаликнинг турли ҳудудларига тарқалиб кетди. Кейинги йирик қўзғолон 776- 783 йилларда юз берди. Бу қўзғолонга **Ҳошим ибн -Ҳаким** бошчилик қилиб, у **Муқанна** (ёпинган одам) лақабини олди. Муқаннанинг касби тўғрисида ягона фикр йўқ. Ўрта аср тарихчиси Наршахий ёзишича, Муқанна шаҳарларда кийимларга ишлов берувчи бўлиб ишлаган.

Муқанна фаолиятининг бошланиши VIII аср 60- йилларига тўғри келади. Ўшанда у Аббосийларга қарши қўзғолон ташаббуси билан чиққан эди. Муқанна узок вақт Боғдод қамокхонасида ётиб, кейинчалик Ўрта Осиёга қочиб келди. Муқанна Марвга келиб, ўз атрофига норозиларни йиға бошлади ва улар сони тез ўсиб борди. Марвдан Ўрта Осиёнинг турли ҳудудларига қўзғолонга чақириб, даъватномалар юборилди. Тез орда Муқаннанинг ўзи Амударёни кечиб ўтди. Наршахий ёзишича, “ Суғдда қишлоқларнинг кўпчилиги Муқанна

қўлига ўтди. Очикдан - очик кураш бошланди. Аҳолининг қуйи табақаси исломни ўзгартириб, Муқанна таълимотини қабул қила бошлади”. Муқанна ўз тарафдорларига жаннатни ваъда қилиб, тарафдорларини кўпайтириб борди. Қўзғолончилар Бухоронинг баъзи худудларини эгаллаб олдилар. Қўзғолончиларнинг асосий маркази Бухоро яқинидаги Наршах қишлоғи бўлиб, унинг ҳокими ҳам қўзғолончилар тарафига ўтиб кетди. 776 йил бу ерда халифа қўшинлари билан биринчи жанг бўлди. Қўзғолончилар томонидан 700 киши ўлдирилди. Халифа қўшинлари қўмондони Муқанна билан курашни тўхтатиш тўғрисида келишиб олди.

Ўша йили Наршахда катта қўзғолон кўтарилди. Наршах 4 ой камал ичида қолди. Халифа қўшинлари Наршах девори тагини қовлаб, қалъага кирдилар. Халифа қўшинлари қўзғолонни бостирди. Наршах ҳокими ўлдирилди, қишлоқ таланди. Қочиб кетган қўзғолончилар Муқаннага бориб қўшилди. Бу пайтда Муқанна тарафдорлари Қашқадарё водийсига бориб жойлашиб, Суғдни марказга айлантирдилар. Агар баъзи маҳаллий феодаллар дастлаб қўзғолончиларни қўллаб -қувватлаган бўлса, Наршах қишлоғи мағлубиятидан кейин улар халифа қўшинлари томонига ўтиб кетдилар. Қўзғолончилар 778 йили Самарқандни ҳам қўлга олдилар. Шундан кейин қўзғолон маркази Санамга кўчирилди. Халифа қўшинлари 4 йил давомида бу мустаҳкам шаҳарни қамал қилдилар. Қамал қилинган шаҳар ташқи дунёдан ажратиб қўйилгандан сўнг 783 йил шаҳар олинди. Қалъада Муқанна ўз жонига қасд қилади. Қўзғолон мағлубият билан тугади. Лекин узоқ вақт Муқанна таълимоти вакиллари Аббосийларга қарши тарғибот- ташвиқотни давом эттирдилар.

Муқанна қўзғолони билан бир вақтда халифаликнинг бошқа худудларида, Гурганда (Каспий денгизининг жанубий - шарқий қирғоғи) **“Қизил байроқчилар”** (Сурх алам) номли дехқонлар

қўзғолони бошланди. Бу қизил байроқ номи билан машҳур биринчи қўзғолондир. VIII аср охири - IX аср бошларида Халифаликда феодалларга қарши қўзғолонлар кучайиб кетди. Миср, Ироқ ва Шимолий Африкада қўзғолонлар юз берди. Азарбайжонда авж олиб кетган феодалларга қарши қўзғолон кенг ҳудудларга тарқалди. Халифа Хорун ар-Рашид ҳукмронлиги охирида Исфохон, Ҳамадон ва Райда қўзғолонлар авж олди. Халифа 20 минглик қўшин юбориб, қўзғолонларни бостирди.

Халифа Хорун ар-Рашиднинг ўғиллари ўртасидаги тахт учун ўзаро курашлар ва халифаликнинг Византия билан уруши янги қўзғолон бошланиши учун қулай шароит туғдирди. 815 йилдаги бу қўзғолон бошида **Бобек** исмли ҳунарманд турган. Азарбайжондаги қўзғолон тез орада қўшни ҳудудларга тарқалди. Ҳамма томондан Бобек атрофига Ҳуррабийлар вакиллари келиб қўшилди. Биргина Азарбайжоннинг ўзида қўзғолончилар сони 300 минга етди.

Янги халифа Маъмун (813-833) бошқарувининг биринчи куниданоқ қўзғолончиларга қарши катта куч юборди. Халифа бутун бир ҳудудларни лашкарбошилар ва ноибларга бериш орқали қўзғолонни бостиришга уринишлари ёрдам бермади. Халифа қўшинлари бирин - кетин мағлубиятга учрарди. Низом ул - Мулк бу ҳақда шундай ёзади: “Мамун Муҳаммад Казвинга Азарбайжонни берди. У билан 6 та йирик жанг бўлди. Ниҳоят Муҳаммад ўлдирилди. Ҳуррабийлар Исфохонга қайтди. Халифа Маъмун Муҳаммад ўлимидан жуда қайғурди. Маъмун Муҳаммаднинг ўрнига Абдулла ибн Тоҳирни жўнатиб, унга Кўхистонни қўшиб берди. Абдулла катта қўшин билан Бобек устига юриш қилди. Бобек қўшинлари тарқалиб кетди. 218 (833) йил

Хуррамийлар Исфохон, Фарс, Азарбайжон ва бутун Қўхистонда қўзғалдилар. Шундан сўнг Маъмун Румга жўнади<sup>1</sup>”.

Халифа ал-Мутаъсим бошқарувининг дастлабки йилларида халифалик қўшинлари Бобек бошлиқ Хуррамийлар қўзғолони ва халифаликнинг шарқий худудларидаги зиддиятлар билан тўқнашди. Халифаликда ички зиддиятларнинг кучайиши билан унинг чегараларида нотинчлик кучайди. Бу ҳарбий ҳаракатларни бостириш учун халифа 835 йилда турк лашкарбошиси Афшинни халифа қўшинига бошлиқ қилиб тайинлади. 831-832 йиллардаги Мисрдаги қўзғолонларда ва Боғдоддаги диний зиддиятларни бостиришда Афшин ўзининг ҳарбий маҳорати билан танилган эди<sup>2</sup>. Афшин келиб чиқиши турк бўлганлиги учун халифалик сиёсий ва ҳарбий ҳаётида турк лашкарбошилари муҳим рол ўйнай бошлади.

Халифаликнинг шарқий худудларида VIII аср-IX аср биринчи ярмида Хуррамийларнинг исёнлари тўхтамади. Уларнинг энг каттаси Бобек қўзғолони эди. Бобек қўзғолони Азарбайжонда 816 йилда халифа Маъмун давридаёқ бўланган эди. Ал-Амин ва Ал-Маъмун ўртасидаги курашлар давридаёқ Бобек қўзғолони катта муаффақиятларга эришди. **Бобек қўзғолони 20 йилдан (816-837) вақт давом этди.** Қўзғолонда жамиятнинг турли катламлари:форс, турк, деҳқон, феодал ва бошқалар иштирок этди. Қўзғолон араблар ҳукмронлиги ва арабларнинг ерларни босиб олишига қарши қаратилган эди. Бобек ўзини Хуррамийлар имоми деб эълон қилди. Бобек баъзи арман феодаллари билан иттифоқ тузди. Византия императори Феофил (829-842) билан ёзишмалар олиб борган. Бобек ўзини христиан ва христианларни ўз тарафдори деб эълон қилди. Халифа ал-Маъмун ўз даврида хуррамийлар қўзғолонини бостира

<sup>1</sup> Мец Адам. Мусульманский Ренессанс. М., “Наука” 1973. С. 114.

<sup>2</sup> Мюллер А. История ислама. Т. 1-2. М., 2004. С. 86.

олмаган эди. Халифа Абдуллоҳ ибн Тоҳир (828-845) бошлиқ халифалик кўшинини кўзғолончиларга қарши юборган эди. Лекин Абдуллоҳ ибн Тоҳир акасининг ўлими туфайли Хуросонга қайтишга мажбур бўлди. Кейин у акасининг ўрнини эгаллади. Шунинг учун халифа Маъмун бу юришни тўхтатиб, Византия билан юришга эътибор қаратди.

Хуррабийлар халифа ал-Мутасимнинг Азарбайжонга юришидан фойдаланиб, Хуросон, Табаристон, Журжон, Дайла, Ҳамадон ва исфахонгача бўлган ҳудудларни эгаллади. 835 йилда халифа Византия билан чегарадаги энг яхши қуролланган Афшин бошлиқ кўшинини Бобекка қарши жўнатишга мажбур бўлди. Афшин икки йил давомида кўзғолончиларни таъқиб этиб борди. 837 йилда Афшин Бобекнинг қароргоҳи Арран ҳудудидаги Базз қалъасини қамал қилди. Бобек ерости йўли орқали Византияга қочиб кетди. Лекин йўлда қўлга олинди. 838 йилда Бобек Сумаррага жўнатилиб, ўша ерда қатл этилди. Шу билан Хуррабийларнинг Табаристондаги Мазъяр бошлиқ кўзғолони ҳам бостирилди.

Аббосийлар давлатида қуллик узоқ вақт сақланиб қолди. Қуллардан армияда ёрдамчи куч сифатида, қурилиш ишларида фойдаланилган. Қуллар меҳнатидан хўжалик ишларида, каналлар казишда, ботқоқликларни қуритишда, маъданлар казиб олишда ва бошқа соҳаларда кенг қўлланилган. Қуллар Африкадан **Занзибар ороли** орқали олиб келинган ва шунинг учун қуллар “**зинжи**” деб аталган. Халифаликдаги қулларнинг кўпчилиги жанубий Ироқда бўлиб, улар бу ерда суғориш тизимларини қуриш ва қайта таъмирлашда ишлатиларди. Ҳузиристонда қуллар пахта ва шакарқамиш плантацияларида ишлатилган.

869 йил зинжилар кўзғолон кўтариб, 14 йил Икки дарё оралиғини (Месопотамия) ва Ҳузиристоннинг баъзи ҳудудларини ўз қўлларига олганлар. Қулларга Шарқий Арабистоннинг деҳқонлари ва баъзи сибн

Муҳаммад (“Буркаи” лақабини олган) бошчилик қилган. Қўзғолончилар қуллар ва бадавийлардан иборат қуролланган қисмлар ташкил этилди. Улар қисқа вақт ичида Обола, Ахваз ва Абадан шаҳарларини босиб олди. 870 йил қўзғолончилар халифа қўшинларига қақшатқич зарба берди. Кейин қўзғолончилар кетма -кет халифа қўшинларига уч марта зарба бердилар.

871 йил зинжилар йирик порт ва савдо шаҳри Басрани босиб олдилар. Босиб олинган ҳудудларда қуллар озод этилди. Улар сафига шаҳар ва қишлоқларнинг қуйи қатламлари қўшилди. Зинжилар билан курашда халифалар барча кучларни сафарбар этди. Тигр ва Евфрат дарёлари оралиғига мунтазам армияни ташлади. Қўзғолончилар мустаҳкам марказларга ўрнашиб олиб, халифа қўшинлари ҳужумларини қайтариб турдилар. Халифанинг ўзи қўшин қўмондонлигини қўлга олиб, бир неча йирик мағлубиятлардан кейин чекинишга мажбур бўлди.

Халифаликда вазият мураккаблашиб борди. Халифаликнинг шарқий ҳудудларидаги айрим амалдорлар ва ноибларнинг ҳам норозилиги кучайиб борди. Айниқса, бу даврга келиб шарқда Саффорийлар, Миср ва Сурияда Тулунийларнинг халифаликка таъсири кучайиб борди. Зинжийлар қўзғолони бошлиқлари Саффорийларни биргаликда курашишга чақирди. Лекин Ёқуб Саффор бу таклифни рад этиб, шарққа чекинди. Зинжилар Саффорийларнинг лашкарбошиларидан бирини ўз томонига оғдиришга эришди. Гарчи бу иттифоқ мустаҳкам бўлмасада, зинжийларга куч бўлиб қўшилди. 878- 879 йилларда халифаликнинг турк қўшинларидан тузилган ёлланма қўшини зинжийлар тарафига ўтиб кетди. Зинжийлар Боғдод шаҳрига яқин бўлган мустаҳкам - Васит шаҳрини босиб олади. 879 йил зинжийлар бошлиғи **Али ибн Муҳаммад** ўзини халифа деб эълон қилиб, ўз номидан тангалар зарб эттиради. Унинг номи ҳар жума масжидларда хутбада ўқитилади. Бу давлат бошлиғи зинжилар қурган Мухтар

шаҳрини пойтахт деб эълон қилади ва ўз қароргоҳини шу ерга кўчиради.

Шундай қилиб, қуллар қўзғолони натижасида улар ўз давлатига асос солдилар. Бу давлат тузилишига кўра, Аббосийлар халифалигига ўхшарди. Бу қўзғолони гарчи йирик амалдорлар вакиллари эълон қилган бўлсада, уларнинг бошлиқлари зинжийларнинг ўзлари эди. Улар тез орада амалдорларга айланиб борди. Бу қўзғолоннинг ҳарактерли жиҳати шундаки, улар тузган давлатда қуллик бекор этилди. Бу эса қўзғолончилар кучини кучсизлантирди. Солиқ ва мажбуриятлардан озод этилган деҳқонлар ва бедуинлар ажралишиб, қўзғолондан чиқиб кета бошладилар. Зинжийларнинг орасида ҳам норозилик келиб чиқди. Бу вазиятдан фойдаланган халифа зинжийларга қарши янги қўшин ва флот жўнатди. Халифа кемалари каналлар бўйича сузиб борди. Қўшин эса зинжийларнинг мустаҳкам қалъаларига кириб борди. Зинжийлар Васит шаҳрини ташлаб чиқиб кетди. 880 йил халифа қўшинлари қўзғолончиларнинг иккита мустаҳкам шаҳрини эгаллади. Али ибн Муҳаммад қўзғолончилар кучларини бир жойга тўплай олмади. Мухтар шаҳри уч йил давомида қаршилик кўрсатди ва 883 йил халифа қўшинлари томонидан эгалланди. Қўзғолон бошлиғи Али ибн Муҳаммад сўнги ҳужум даврида ҳалок бўлди.

IX аср охирида Баҳрайнда араб деҳқонлари ва ҳунармандларининг қўзғолони бошланди. У **тарихда карматлар қўзғолони** номини олди. Қўзғолончилар ижтимоий ва мулкый тенглик эълон қилишни талаб қилди. Улар фикрича, жамиятда эркин деҳқонлар олдинги қаторда туриши керак эди. Карматларнинг тарғиботи Ироқ, Сурия, Миср, Эрон ва Хуросон деҳқон ва ҳунармандлари томонидан қўллаб-қувватланди. Карматлар бой савдогарлар қарвонларини талаб, уларнинг мулкларини камбағалларга бўлиб бердилар. Бу қўзғолон тезда бутун Арабистонга тарқалди. Карматлар бошқа ҳудудларда ҳам марказлар ташкил этдилар.



Карматлар билан биринчи жанг 902 йил Қуфа шаҳри яқинида бўлди. Жангда халифа қўшинлари мағлуб бўлди. Кейин карматлар Сурияга кириб, Сурия ноиб қўшинларини мағлуб этди. Дамашқ , Хумс, Ҳама , Марри Бальбек, Саламия ва бошқа сурия шаҳарлари эгалланди.

Х аср бошида баҳрайн карматлари пойтахти -Лахса бўлган ўз давлатларига асос солдилар. Бу давлат узоқ яшади. Халифаликнинг кўплаб ҳудудлари унга ўлпон тўлашган. Масалан, Сурия йилига 300 динор тўлаган. Миср ҳам белгиланган ўлпонни тўлаб турган<sup>1</sup>.

Карматлар давлати бошида олтига ҳоким ва олтига вазирдан иборат ўзига хос кенгаш турган. Давлат аҳолиси учун эътиқод эркинлиги эълон қилинди. Дастлаб деҳқонлар ва хунармандлар солиқлардан озод этилиб, давлатдан ёрдам олиб турдилар. Баҳрайнда карматлар халифалик билан доимий урушлар олиб борган. 928 йил халифаликнинг йирик ҳарбий кучлари Қуфа шаҳри ёнида мағлуб этилди. Карматлар Боғдодгача кириб борди лекин шаҳарни ололмади. 930 йил карматлар Маккага ҳужум уюштириб шаҳарни вайрон этди. Каабадаги қора тош билан бирга олтин, кумуш каби бойликларни олиб кетдилар. Қора тош фақат 951 йил Каъбага қайтарилди.

Деҳқонлар кўзғолони натижасида вужудга келган Карматлар давлати феодал давлатга айланиб борди. Халифаликда юз берган барча кўзғолонларнинг асосий кучини деҳқонлар ташкил этарди. Бу ижтимоий ҳаракатлар халифалик ҳокимияти ва маҳаллий амалдорлар зулмига қарши қаратилган эди. Кўзғолонлар этник таркибига кўра, турли халқлардан ташкил топган эди<sup>2</sup>. Диний шиорлар ва диний ғояларга қарамай, кўзғолонларда турли эътиқотдагилар мусулмонлар,

<sup>1</sup> Ацамба Ф. М., Лапина З. Г., Мейер М. С. История стран Азии и Африки в средние века. Часть-2. М., «МГУ» 1987. С. 18.

<sup>2</sup> Большаков О. Г. История халифата. Эпоха великих завоеваний (633-656). Т. 2. М., 1993. С. 79.

зардуштийлар ва хуррабийлар иштирок этган. Одатда барча қўзғолонларга майда ва ўрта амалдорлар вакиллари бошчилик қилиб, қўзғолон ҳал қилувчи паллага кирганида улар ўзларини олиб қочганлар. Худди шундай вазиятни Муқанна ва Бобек қўзғолонлари даврида кўриш мумкин. Бу вазиятларга қарамасдан, халқ ҳаракатлари Аббосийлар халифалигида муҳим ўрин тутади. Бу қўзғолонлар Аббосийлар халифалигининг ижтимоий ҳаёти ожизлигини ва иқтисодий зулмнинг вақтинчалик бўлсада чекланишига олиб келди.

## **III БОБ. ХАЛИФАЛИКДА МАДАНИЙ ҲАЁТ**

### **III.1. ХАЛИФАЛИКНИНГ МАДАНИЙ РИВОЖЛАНИШИ**

Аббосийлар халифалиги таркибига кирган халқлар араб мусулмон маданияти ривожланишига ислом дини ва араб тили катта таъсир кўрсатган. Барча мусулмонлар биринчи навбатда мусулмон жамияти аъзосикейин у ёки бу шаҳар, қишлоқ аҳолиси бўлиб, у ёки бу этник гуруҳга мансуб бўлган. Халифалик таркибига кирган халқлар маданияти, қонуни ва урф-одатлари Қуръон ва ҳадисларга асосланган эди. Халифалик таркибига кирган халқларда араб тилининг кенг тарқалишига сабаб бу халқларда ягона тилнинг мавжуд эмаслигидадир. Араб тили барча маданий ҳаётнинг тили бўлиб, мусулмон маданиятининг биринчи белгиси ҳисобланган. Ҳар бир мусулмон форс ёки турк, Андалусия ёки Ҳиндистон аҳолисими муқаддс Қуръон ва маданият тилини ўзлаштиришга интиланлар.

Аббосийлар даври араб маданиятини халифалик таркибига кирган турли халқлар яратганлар. Бу маданиятнинг энг ривожланган даври VIII-XII асрларга тўғри келади<sup>1</sup>. VIII аср иккинчи ярмида бошланган Аббосийлар халифалигининг сиёсий инқирози маданиятнинг ҳам инқирози ва ҳудудлар бўйича тарқалиб кетишига олиб келди. Ислом дини пайдо бўлгунга қадар маҳаллий эътиқодлар таъсирида халифаликнинг чекка ҳудудларида диний оқим ва йўналишлар вужудга келди. Бу эса маҳаллий миқий маданиятлар шаклланишига олиб келди. Эрон ва турк тилида гапирувчи мусулмон давлатларида араб маданияти таъсири сусайиб маҳаллий маданият кучайди. Шундай бўлсада, халифалик парчаланганидан кейин ҳам араб тили ўз аҳамиятини йўқотмади. Бу тил мусулмон давлатлари маданиятининг асосий тили бўлиб қолаверди.

---

<sup>1</sup> Фильштинский И. М. История арабской литературы X-XVIII вв. М., 1991. С. 11-12.

**508 йил ҳукм сурган** Аббосийлар халифалиги ислом дунёсининг буюк империяси сифатида илм – фан ривожига ва маданиятининг ривожланиши учун шароит яратиб берди. Аббосийлар халифалиги айниқса, Хорун ар- Рашид ва Маъмун даврларида Боғдод шаҳри энг машҳур олимлар йиғиладиган марказга айланиб, “Байтул ҳикма” каби буюк академияга асос солинди.

Халифа Мансур фикҳ илмини билар, астрология фанига қизиқар эди. Биринчи бўлиб астрологларни саройга олиб келди. Улар қилган башоратга ишонарди ва уларнинг маслаҳатисиз муҳим ишларга қўл урмасди. Унинг сарой мунажжимларини яхши қабул қилганлиги туфайли, Ҳиндистон, Рим ва Эрондан бир гуруҳ ушбу фан олимлари унинг хизматига келганлар. Халифа Мансур саройига келган ҳинд мунажжимларидан бири хиндлар эътиқодига асосланган астрологияга оид китобни тақдим этди. Халифа ушбу китобни араб тилига таржима қилдириб, унга асосланган ҳолда астрология бўйича китоб ёзишни буюрди. Муҳаммад ибн Иброҳим Фарозий шундай китоб тайёрлайди. Мунажжимлар у тайёрлаган китобни “Ҳиндистоннинг буюк ҳужжати” деб атадилар ва халифа Маъмун давригача унга асосланиб иш юритганлар.

Халифа Мансур даврида истило этилган мамлакатлардаги кутубхоналар ёндириб юборилмай, улардаги қимматли манбалар Боғдодга келтирилиб, араб тилига таржима қилинди<sup>1</sup>.

Абу Жаъфар Мансур давлатида тиббиёт илми ривожига ҳам катта эътибор берилган. Унинг саройида машҳур табиблар хизмат қилишган. Журжис ибн Бахтишу саройда табиблик қилган. У халифа Мансур ва харам аҳлини даволаган. У юнон, форс ва бошқа тиллардан араб тилига бир неча китобларни таржима қилган.

<sup>1</sup> Сто великих династий. М., Вече, 2005, С. 78.

Халифа Хорун ар-Рашид даврида илм-фан юксак даражада ривожланган. Одамлар онги ва дунёқараши ўзгарган. Мантиқ ва фалсафа фанлари ривожига ҳам катта эътибор берилган. Унинг даврида Румнинг (Туркия) Анқара, Амурия ва бошқа шаҳарлардан тиббиётга оид китоблар келтирилган. Хорун ар-Рашиднинг сарой табиби Юханно ибн Мосуяга бу китобларни араб тилига таржима қилишни буюради. Ҳажжож ибн Матар “Акклидис” китобини биринчи араб тилига таржима қилган. Уни “Хоруния” деб атаганлар. Халифа Маъмун даврида қилинган таржимаси “Маъмуния” деб аталган.

Ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаёт яна ҳам ривожланади. Халифа Маъмун фалсафа фанига қизиққанлиги учун фалсафий китобларни таржима қилдира бошлайди. Шу даврда фалсафа соҳасида 32 та, тиббиёт соҳасида 60 дан ортиқ, математика, астрономия соҳасида 20 дан ортиқ китоблар таржима қилинди<sup>1</sup>.

Ибнун Надимнинг ёзишича, халифа Маъмун Рим подшосидан қадимий китоблар нусхаларидан юборишини сўраб, хат ёзади. Рим подшоси рози бўлганидан сўнг, бу китобларни олиб келиш учун бир гуруҳ олимлар Ҳажжож ибн Матар, ибн Митрик ва Байтул ҳикма бошлиғи Салмони Римга жўнатади. Улар орасида Аҳмад ал-Фарғоний, Мусо ал-Хоразмийлар ҳам бор эди. Улар Байтул ҳикманинг фаол аъзолари бўлиб, математика ва бошқа фанлар ривожига ҳисса қўшдилар. Журжий Зайдон маълумотларига қараганда, ўша даврда Байтул ҳикма кутубхонасида 4 млн нусхада китоблар бўлган. Бозорларда китоб ва қоғоз сотиш дўконлари кўпайиб, аҳоли орасида илм-фанга қизиқиш кучайди.

---

<sup>1</sup> Филштинский И. М. История арабской литературы X-XVIII вв. М., 1991. С. 322-23.

Аббосийлар даврида мусиқа илми ҳам ривожланди. Ҳофиз ва хонандаларнинг саводли, ўқимишли бўлишлари талаб этиларди. Шунингдек, нутқ маданиятини ривожлантиришга ҳам катта эътибор берилган. Ўша даврнинг машҳур хонандаси Иброҳим ибн Исҳоқ Мосихий мусиқа илмидан ташқари фикҳ ва араб тили грамматикаси ҳам биларди. Аббосийлар даврида мусиқа асбоблари турли халқ чолғу асбобларидан танлаб олинарди. Танбур, арганун, чидирма, най ва Фаробий ихтиро этган чолғу асбоблари шулар жумласидан. Фаробий ихтиро этган бир чолғу асбоби бир неча сим ва ёғочдан таркиб топган эди. Унинг таркибини ўзгартириши билан овози, мусиқа мазмуни ҳам ўзгарган. Ривоятларга кўра, бир куни Фаробий Дамашқ амири Сайфуддавланинг базмига таклиф этилади. У ерда ҳозир бўлган хонанда ва созандаларнинг овозидаги камчиликларини айтиб беради. Кейин Фаробийнинг ўзи ўз чолғуси билан мусиқа куйлаб ҳаммани йиғлатади.

Халифаликда илм-фан, адабиёт ва санъатнинг турли соҳалари анча ривожланди. Халифа ал-Ҳаким катта илмий даргоҳ- “Дор ул ҳикма”(Илму ҳикмат уйи) ни ташкил этган. Халифа ал-Азиз Биллоҳ катта кутубхона ташкил этди. Уни “Ҳазинатул китуб ” – Китоблар хазинаси деб номлашган. Бу даргоҳда фаннинг турли соҳалари бўйича 1,6 млн нусхада китоб тўпланган.

Қохира шаҳри Фотимийлар даврида йирик маданият ва маориф марказига айланди. 972 йилда шаҳарда Жавҳар, Сакалий ва Фотимий халифаси буйруғига кўра, машҳур ал-Ахзар жомеъ масжидини қурди. Ушбу масжид мамлуклар- Малик Байбарис даврида мадрасага айлантирилиб, катта илмий марказга айланган<sup>1</sup>. У 1936 ва 1961

---

<sup>1</sup> Мец Адам. Мусульманский Ренессанс. М., “Наука” 1973. С. 132-134.

йилларда университетга айлантирилган. Бу даргоҳда замонасининг йирик олимлари дарс берганлар<sup>1</sup>.

Аббосий халифалар таркибига кирган Пиренея ярим оролида мустақил Андалус давлати ташкил топган эди. Бу давлат халифа Абдурахмон III даврида ривожланди. Унинг ҳукмронлиги даврида илм-фан ва маориф ривожланган давр бўлди. Қуртуба, Ишбилия, Тулайтула шаҳарларида мадрасалар , масжид ва университетлар ташкил этилди. Бу шаҳарлар илм-фан ва маърифат марказларига айланди. Андалус ўқув юртлирининг шухрати чет элларда ҳам кенг ёйилди. Узоқ мамлакатлардан ҳам толиби илмлар кела бошлади<sup>2</sup>.

---

<sup>1</sup> Чистякова Т. А. Арабский халифат. М.,1962. С. 231.

<sup>2</sup> Фильштинский И. М. История арабской литературы X -XVIII вв. М., 1991. С. 10-12.

## III. 2. ИЛМ-ФАН

Аббосийлар халифалигида илм-фаннинг маркази биринчи навбатда, ижтимоий фанларнинг маркази Куфа ва Басра шаҳарлари бўлди. Лекин асосий илм-фан ривожланишининг маркази Аббосийлар халифалиги пойтахти-Боғдод шаҳри эди. Олдинги юнон-эллин маданиятининг марказлари бўлган- Александрия, Антиохия, Жундишапур, Харран, Эдессада дунёвий фанлар- тиббиёт, математика ва астрономия ривожланган. Александриядаги юнон тиббиёт мактаби араб Аббосийлар хукмронлиги даврида ҳам ривожланди. VIII аср бошида бу мактаб Антиохияга, кейинчалик IX аср ўрталарига келиб Харранга кўчди. Эдесса ва Антиохия шаҳарларида аниқ фанлар, тиббиёт ва фалсафа ривожланган эди. Жундишапурда ҳам Сосонийлар хукмронлиги давридаёқ, юнон-сурия тиббиёт мактаби шаклланган эди<sup>1</sup>. Месопотамиядаги Харран шаҳри антик ва эллинистик илмий билимларни ўрганиш маркази эди. улар диний эътиқодларида араблар босқинидан кейин ҳам юнон фалсафий фикрларини, маҳаллий диний эътиқодларини ҳам сақлаб қолишди. IX-X асрларда Харран илмий билимлар мактабидан кўплаб математик, астроном, файласуф ва тиб илми эгалари чиқди.

Аббосийлар халифалигида дунёвий фанларни диний ҳарактерда ўқитиш кенг тарқалди. Дастлаб диний билимлар ва фикҳни ўқитиш маҳаллий масжидларда олиб борилган бўлса, X асрга келиб махсус ўқув муассасалари- мадрасалар вужудга келди<sup>2</sup>. Диний фанларни ўқитиш оғзаки тарзда олиб борилган. Халифаликда дунёвий фанлар мадрасаларда эмас, балки олимларнинг уйларида олиб бори лган. Ўрта

---

<sup>1</sup> Фильштинский И. М. История арабов и халифата. 750-1517. М., 2006. С. 303.

<sup>2</sup> Мец А. Мусульманский Ренессанс. М., Наука, 1973. С. 216.



аср Европа университетларида дунёвий олимлар илмий даражасига кўра “табақалар”га бўлинган бўлса, халифаликда эса ундан фарқли равишда дунёвий олимлар “табақа”ларга бўлинмаган. Маълум бир фан бўйича устозидан билим олган араб талабасига “ижаза”(ихтисослиги тўғрисида гувоҳнома) берилган. Бу эса талабага мусулмон илмий жамоалари орасига киришга, фақиҳ, кади (қози) ва диний мактабларда ўқитувчи бўлиш ҳуқуқига эга бўлган. Агар талаба дунёвий фанлардан таълим олган бўлса, у сарой табиби, башоратчи ёки уй ўқитувчиси бўлган.

VIII-XII асрларда Аббосийлар халифалиги ривожланган даврда жамият орасида диний ва дунёвий фанларга эътибор кучли бўлган. Агар олим арабларнинг бедуин қабилаларидан чиққан бўлса ҳам у катта ҳурмат қозонган. Ал-Жахиз ўзининг “Нотиқлик китоби” асарида шундай ёзади: “Ҳар бир одам ҳатто у амалдорлардан бўлса ҳам тўртта нарсадан: отаси олдида туришдан, меҳмонга хизмат қилишдан, ўз отига эга бўлишдан ва олимни ҳурмат қилишдан маҳрум бўлган”.

Араб халифалигида асрлар давомида фан тўғрисидаги тасаввурлар ўзгариб, ривожланиб борган. Илк ислом даврида фан деганда биринчи навбатда саводли бўлиш кейин Қуръон ва диний билимлар тушинилган<sup>1</sup>. Кейинчалик VIII асрдан бошлаб фан тушунчаси доираси кенгаяди. Турли фан тармоқлари- математика, астрономия ва бошқа соҳалар кенгайиб борди.

Ўрта асрларда олим барча мусулмонлар учун намуна ҳисобланган. Олим фанда бирор ютуққа эришиш учун дунё лаззатларидан кечиши ва руҳини ёмон фикрлардан тозалаши керак. Араб тарихчиси Мискавайх (1030 йилда вафот этган) бу ҳақда шундай ёзади: “ким тунлари уйқусиз билим билан шуғулланса, фан унга ўз сирларини очади. Ёмон одатлардан қутилиш учун дунёга берилмаслик, жамоага

<sup>1</sup> Мец А. Мусульманский Ренессанс. М., Наука, 1973. С. 216.

аралашмаслиги керак”. Ўрта аср файласуфлари ва тарихчилари ўша даврда маълум бўлган фанларни ягона тизимга солишга алоҳида эътибор беришган. Бунинг учун улар илмий билимларни иккита соҳага ажратганлар: биринчиси, араб-мусулмон фанлари(Қуръон илми, ҳадис ва мусулмон ҳуқуқи); иккинчиси, филология ва арабларни бошқа халқлар билан боғловчи фанлар.

Араб тарихчиси ва социологи Ибн Халдун (1332-1406) ўзининг тарих бўйича “Муқаддима” асарида фанларни таснифлашга алоҳида эътибор беради. Ибн Халдун Қуръон, ҳадислар ва фикҳ илмидан ташқари калом илми, филология, араб тили ва шеърятини ҳам ўз асарида келтириб ўтган. Олим дунёвий илмларни ягона ном билан фалсафа деб атади. Ибн Халдун фанларни мантиқ, физика (бунга тиббиёт, қишлоқ хўжалиги ҳақидаги фан, сеҳргарлик ва алкимё киради), метафизика, математика (бунга савдо ва мерос қолдириш масалалари киради), оптика, астрология ва мусиқага бўлди.

Ўрта асрларда араб тиббиёт илми юқори даражада ривожланди. Унинг ривожига Суриядаги Бохтишо оиласи (IX аср), Аба Бакр ар-Розий (925 йилда вафот этган), Ибн Сино (980-1037) ва бошқалар катта ҳисса қўшган. Жундишапура Сурия тиббиёт мактабида Гиппократ ва Гален тиббиёти ўрганилган. 800 йилда Бохтишо оиласидан бўлган табиб Жаброил Боғдодда биринчи касалхонага (форсча бемористон) асос солди. Машҳур табиб ва файласуф Абу Бакр ар-Розийнинг «Тиббиёт ҳақида китоб» (Китоб ат-табиб ал-Мансурий) асарида ўша даврда маълум бўлган касалликлар ва табибнинг шахсий кузатувлари ўз аксини топган.

Ибн Синонинг тиб илмига оид машҳур “ал- қонун фит- тиб” асари ўрта аср мусулмон оламида машҳур бўлган. Бу асар асрлар давомида нафақат Шарқ мамлакатларида балки ўрта асрлар Европасида тиббиёт илми бўйича қўлланма бўлиб келган.

Араб математиклари ва астрономлари ҳам юнон ва ҳинд олимлари сингари ўзларидан катта илмий мерос қолдирган. VIII аср охири ёки IX аср бошларида Птоломейнинг “ал-Магест» асари араб тилига таржима қилинган. IX асрда Боғдодда ижод қилган Абу Маъшар (886 йил вафот этган) ва Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмийнинг алгебра, арифметика (Араблар Европа халқларини ҳиндларнинг соноқ системаси билан таништирган) ва математик географияга оид асарлари XVI асргача Европа университетларида асосий қўлланма бўлиб келган. ал-Хоразмийнинг номи арабча “ал-жабр” яъни алгебра атамасида сақланиб қолган. Фарғонадан чиққан Аҳмад ал-Фарғоний (861 йилда вафот этган) астрономия соҳасида машҳур бўлган. Харран шаҳридан чиққан олим ал-Баттонийнинг (929 йилда вафот этган) номи тригонометрик функциялар назарияси яратилиши билан боғлиқ.

Ўрта асрларда арабларнинг астрономик тасаввурлари Птоломей даври астрономик тасаввурларидан унчалик фарқ қилмайди. Араблар фикрича, дунёнинг маркази ер, унинг атрофида саккизта осмон жисмлари, ой, бешта сайёра ва юлдузлар айланади. Астрономиянинг назарий муоммалари астрономик жадваллари тузишга қараганда арабларни камроқ қизиқтирган. Араблар ал-Хоразмий, ҳинд ва эрон астрономиясидан фойдаланиб, астрономик жадваллар тузганлар. Ал-Баттоний тузган астрономик жадваллар ўзининг аниқлиги билан ажралиб туради.

Аббосийлар сулоласи ҳукмронлиги даврида араб олимлари география фани ривожланишига катта ҳисса қўшганлар. Араб географларининг машҳур асарлари IX-XI асрлар араб фанининг маданий ёдгорликлари ҳисобланади. Халифа ал-Маъмун саройида яшаган географ олимлар ўша даврдаги халифаликнинг харитасини тузиб чиқдилар ва биринчи астрономик ҳисобларни амалга оширдилар. Бу даврдаги машҳур географ Ибн Хўрдодбекнинг (820-912) «Давлатлар

ва саёҳатлар китоби» да халифалик ичидаги йўллар, географик ва этнографик маълумотлар ўз аксини топган<sup>1</sup>. Кейинги даврларда Абу Зайд (934 йилда вафотэтган), Ал-Маъсудий (956 йилда вафот этган), Ал-Истархий (934 йилда вафот этган) ва Ибн Хавқал (X аср) каби географлар ёзган асарлар нафақат араб илм-фани учун балки дунё илмига катта ҳисса бўлиб қўшилди.

X асрда яратилган географик асарларда ғарбда Испаниядан тортиб шарқда Ҳинд дарёсигача бўлган ҳудудлар, флора ва фауна дунёси, шаҳарлар, ҳунармандчилик ва савдонинг ривожланиши ўз аксини топган. Бу асарларда юнонлардан кейин араблар тарқалган ҳудудлар етти иқлимга бўлинган. Шундан тўртта иқлим ҳаёт учун қулай бўлиб, у ерда мусулмон дунёси маданий марказлари асосан, Боғдод жойлашган.

Араб илмий адабиётларида саёҳатлар ҳақида ёзилган эртаклар муҳим ўрин тутаяди. Гарчи бу асарларнинг муаллифлар ўз асарларида денгиз ортидаги мамлакатлар ҳақида саргузаштларни ёзган бўлсада, лекин кўп ҳолларда бу маълумотлар географик ва этнографик характерга эга эди.

Ўрта аср араб фани ва маданияти ривожланишида араб муаррихларининг асарлари муҳим рол ўйнайди. Уларнинг кўпчилиги форслар бўлиб, Эрон тарихшунослиги анъаналарини давом эттирдилар. Қадимги араб қабилалари ҳақидаги афсоналар ва илк мусулмон даври ҳадислари араб тарихшунослигининг бошланиши бўлди. Бу афсоналар асосида VIII асрда Муҳаммад пайғамбар ҳаёти ва фаолияти ҳақида асарлар пайдо бўлди. IX асрда Араб истилочиларига бағишланган тарихий асарлар вужудга келди. Масалан, тарихчи ал-Балазурий (892 йилда вафот этган), Аҳмад ибн Абу Тоҳир (893 йилда вафот этган) ва бошқаларнинг тарихий асарлари шу даврда яратилган қимматли

---

<sup>1</sup> Ибн Хордодбек. Книга путей и стран (Пер. с араб. Н. Валихонова). Баку., 1984. С. 93.

асарлардир. Араб тарихчилари орасида географ ал-Маъсудий ва ал-Яқубийлар (905 йилда вафот этган) алоҳида ўрин тутади. Бу иккала тарихчилар география ва этнография билан шуғулланиш билан бир қаторда ислом дунёси мамлакатларидаги саёҳатлари давомида турли хил тарихий ва географик маълумотлар тўплаганлар. Дунё тарихини яратишга биринчи уриниш ат-Табарий томонидан амалга оширилди<sup>1</sup>. Унинг «Пайғамбарлар ва подшолар тарихи» асари кириш қисмида дунёнинг яратилишидан то шу давргача бўлган дунё воқеалари акс эттирилган. Шу даврдан бошлаб араб тарихшунослигида ат-Табарий бошлаб берган анъана давом этди. Ундан кейин бу анъанани Ибн ал-Асир (1160-1234) давом эттирган. Кейинги даврда тарихий йилномалар ёзиш анъанаси вужудга келди. Масалан, Мискавайх (1030 йилда вафот этган) «Халқлар тажрибаси китоби» асарида тарихнинг мусулмон тарихи анъанасидан қочиб, тарихий жараёнларни биринчи даражага қўяди.

X асрдан бошлаб Аббосий халифалар буйруғига кўра, сулола тарихини ёзиш бошланади. Ас-Сулейнинг «Аббосийлар тарихи» асарини шундай асарлар типига киритиш мумкин. Араб мусулмон маданиятида Абу Райхон Беруний алоҳида ўринга эга. Унинг «Ўтмиш халқлардан қолган ёдгорликлар» ва « Ҳиндистон» асарларида ўша даврдаги барча тарихий ва географик билимлар жамланган. Шу билан бирга Беруний астрономия ва математика, физика ва минералогия, тарих, география, ва этнография билан билан ҳам шуғулланиб, кўплаб асарлар ёзган. Шуниси қизиқарлики, бизгача сақланиб қолган унинг асарларида илоҳий билимлар ва фикрҳа оид маълумотлар йўқ<sup>2</sup>.

Аббосийлар халифалигида аниқ ва табиий фанлардан ташқари, фалсафа ҳам ривожланган. Араб фалсафаси юнон, эрон ва ҳинд

<sup>1</sup> Фильштинский И. М. Очерки истории арабской культуры V-XV вв. М., 1982. С. 231.

<sup>2</sup> Грюнебаум Г. Э. Классический ислам. М., 1986. С. 124.

фалсафаси асосида вужудга келди. Араб филологиясининг барча соҳалари (тил, шеърият ва нотиклик санъати) ривожланди. Айнан, VII-IX асрларга келиб филология ва араб тилшунослиги мустақил фан тармоғи сифатида ажралиб чиқади. Араб тилшунослиги дастлаб Басра ва Куфада вужудга келди. Араб тилшуноси Ал-Халил (791 йилда Басрада вафот этган) ўзининг “Аруд ҳақида китоб” асарида араб тили тузилишини биринчи марта таҳлил қилиб берган. Унинг устози Шероз Сибавайх (800 йил вафот этган) араб тили грамматикасининг асосчиси ҳисобланади. Ал-Мубаррад (826-898), Ал-Касий (806 йилда вафот этган), Салаб (815-904) ва Абу Бакр ал-Анбарий (885-940)ларнинг араб тили бўйича ёзган асарлари араб илм-фани ривожланишига катта ҳисса бўлиб қўшилди.

Араб мусулмон фалсафасининг вужудга келиши табиий ва аниқ фанларга қараганда, юнон фалсафий мероси билан боғлиқ. Масалан, юқорида тилга олинган Александрия мактаби юнон фалсафий фикрлар ва илмий билимлар ўчоғи бўлиб, VIII асар бошида Антиохияда ўз фаолиятини бошлаган. Бу ерда IX аср иккинчи ярмида Фаробий таълим олган. Ислом дини пайдо бўлган дастлабки асрлардан бошлаб халифалик таркибига кирган аҳоли эллинистик маданияти ва фалсафий фикрларини сақлаб қолди. Босиб олинган ҳудудларни араблаштириш жараёни бу ерда халқлар маданиятига таъсир ўтказмади. IX аср ўрталаридан халифаликнинг маданий қатлами юнон фалсафаси билан танишиб, юнон файласуфлари асарларини араб тилига таржима қила бошлайди. Масалан, араб таржимони Коста ибн Лука фалсафий атамаларни ўрганиш билан шуғулланган. Бу даврда фалсафа билан Ал-Киндий (873 йилда вафот этган), ал-Фаробий (950 йилда вафот этган),

Ибн Сино (1037 йилда вафот этган), Ибн Рушд (1126-1198) ва бошқа файласуфлар шуғулланишган<sup>1</sup>.

Шундай қилиб, араб мусулмон фалсафаси юнон файласуфлар ва таржима қилинган асарлар асосида вужудга келди. Шунинг учун араб фалсафаси дастлаб юнон фалсафий фикрларининг давоми бўлиб, ислом дини қоидаларига мослаштирилган эди. Сурия таржимонлари араб илмий ва фалсафий атамаларини ишлаб чиқдилар. Мусулмон Шарқи мамлакатларида фалсафа “фанларнинг фани” бўлиб, фаннинг турли масалаларини ўз ичига қамраб олган. Араб мусулмон ўрта асар жамиятида файласуфларнинг ўрни Ғарбий Европа файласуфлардан кескин фарқ қилган. Бу даврда Ғарбий Европада фалсафа илоҳий таълимот сифатида университетларда черков назорати остида ўқитилган. Мусулмон Шарқи давлатларида эса фақат илоҳиёт ва мусулмон ҳукуқи (фикҳ) ўқитилган. Ғарбий Европада университетларида файласуфлар “худонинг хизматкори” сифатида қаралган бўлса, мусулмон файласуфи саройда мунажжим ёки алхимик вазифасини бажарган. Шундай қилиб, астрология ва тиббиётда фалсафий билимлардан ҳам фойдаланилган<sup>2</sup>.

Аббосийлар сулоласи ҳукмронлиги даврида илм-фан ва маданият ривожланишида халифа ал-Маъмун асос солган “Донишмандлар уйи” муҳим ўрин тутади. 827 йилда халифа Маъмун “Донишмандлар уйи”га (Байтул ҳикма) асос солишга қарор қилди. Жундишапурдаги сосонийларнинг Тиб Академияси ва мутазилийлар таълимоти Донишмандлар уйига асос солинишида асос бўлди. Донишмандлар уйига бошлиқ қилиб Саҳл ибн Харун ва Салма тайинланди<sup>3</sup>.

<sup>1</sup> Фильштинский И. М. История арабов и халифата. 750-1517. М., 2006. С. 311.

<sup>2</sup> Мец А. Мусульманский Ренессанс. М., “Наука” 1973. С. 209.

<sup>3</sup> Ат-Табарии Мухаммед ибн Джарир. История ат-Табари (Пер.В. И. Беляева). Т., «Фан». 1987. С. 213.

Донишмандлар уйида бир гуруҳ араб таржимонлари тўпланган бўлиб, улар математика, астрономия, тиббиёт, астрология, алхимия, фалсафа ва мантиқ фанлари бўйича юнон олимлари асарларини араб тилига таржима қилишган. Ривоятларга кўра, халифа бўйруғига кўра, Константинополгага Салма бошлиқ бир олимлар гуруҳи нодир китобларни кўчириб келиш учун юборилан<sup>1</sup>.

Донишмандлар уйи ўзининг катта кутубхонасига (Хазинат ал-ҳикма) эга бўлган бўлиб, унга Бармакийлар давридаёқ асос солинган эди. Халифа Маъмун ва унинг ворислари даврида кутубхонада кўплаб асарлар араб тилига таржима қилинган. Кутубхонада юнон олимлари ва файласуфларининг асарлари ўрганилган. Агар юнон табиий ва аниқ фанлари ислом динида қаршиликсиз қабул қилинган бўлса, фалсафа ислом калом илмига асос бўлган. Аббосийлар халифалиги ҳукмронлиги даврида Байтул ҳикма ва унинг кутубхонасида амалга оширилган юнон олимлари асарлари ва уларни таҳлил этиш Араб халифалиги илм-фани ривожланишига балки кейинги даврларда ҳам мусулмон давлатларида илм-фани ва маданияти тараққиётига асос бўлган.

---

<sup>1</sup> Фильштинский И. М. и др. Очерки истории арабской культуры V –XV вв. Материалы и исследования. М., 1982. С. 74.



## ХУЛОСА

Малакавий ишсига хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, Араб халифалигида Аббосийлар сулоласи ҳукмронлиги сал кам беш аср (750-1258) давом этди. Аббосийлар сулоласи VIII аср ўрталаридаги халифаликда кучайиб кетган Абу Муслим кўзғолони натижасида ҳокимият тепасига келди. 1258 йилда мўғулларнинг халифалик пойтахти- Боғдодни босиб олиши билан Аббосийлар сулоласи ҳукмронлиги тугади. Аббосийлар давлати пойтахт номи билан Боғдод халифалиги деб ҳам аталади. Араб халифалигида ҳокимиятнинг Уммавийлар сулоласидан Аббосийлар сулоласига ўтиши фақат ҳукмрон сулоланинг алмашиниши сифатида қараш керак эмас. Европадаги баъзи тадқиқотчилар бу сулола алмашинишини “Аббосийлар инқилоби” деб атайдилар. Бу воқеа халифалик тарихида радикал кучларнинг давлат тўнтариши бўлди.

Аббосийлар сулоласи ҳукмронли даврида Араб халифалиги ҳам иқтисодий ҳам ижтимоий ва маданий ҳаётда ривожланиб, унинг маданияти намуналари кейинги даврларда инсоният тарихи маданияти учун асос бўла олди. Айнан шу асрларда араблашиш жараёни халифаликнинг марказий ҳудудлари: Сурия, Ироқ ва Мисрда тез кечди.

Араб халифалиги томонидан босиб олинган ҳудудлар араб тилини қабул қилиб, шу тилда араб-мусулмон маданиятининг бой намуналарини яратдилар. Халифалик халқлари Ўрта ер денгизи ва қадимги Шарқ цивилизациялари меросини ўрганиб, шу асосда ўзларининг янги маданиятини яратдилар. Араблар томонидан босиб олинган ҳудудларда араб тили маданият белгисига айланди. Халифалик аҳолиси ислом динини қабул қилиши билан бирга ўзларининг илгариги диний эътиқодларини ҳам сақлаб қолдилар. Айнан шу даврда араб тили халқаро маданият тили бўлгани учун халифалик халқлари худди ўрта

асрлар Европасидаги халқлар лотин тилидан ўз маданиятларини яратганлари сингари ўзларининг илмий, диний-фалсафий ва адабий меросини шу тилда ёздилар.

IX-XIII асрлардаги мусулмон уйғониш даврида вужудга келган барча моддий ва маънавий маданият намуналари Аббосийлар халифалиги таркибига кирган халқлар томонидан яратилди. Аббосийлар сулоласи даврида халифаликда гарчи сиёсий ва ҳарбий соҳада ортда қолган бўлсада, ижтимоий иқтисодий ва айниқса, маданий соҳада катта илмий ютуқлар қўлга киритилди. Аббосийлар сулоласи халифаларининг бу соҳаларга ҳомийлик қилишлари ривожланишга асос бўлди. Халифалик таркибига кирган халқлар ижтимоий ҳаёт даражаси, маҳаллий миллий анъаналари ва тарихий тақдири турли даражада бўлишига қарамай ислом халқлари доирасида умуммусулмон маданиятини яратдилар. Мусулмон маданиятининг ривожланган даврида Аббосийлар халифалигида юз берган ички зиддиятлар ва ҳудудларнинг мустақилликка интилиши кучайди.

Малакавий ишси ишининг биринчи бобида Аббосийлар сулоласининг ҳокимият тепасига келиши ва халифаликнинг иқтисодий ҳаёти ўз аксини топган. Иккинчи бобда Араб халифалигида Аббосийлар сулоласи даврида феодал муносабатлар ва халифаликдаги халқ ҳаракатлари ва қўзғолонларининг бориши очиб берилди. Учинчи бобда Аббосийлар халифалигининг маданий ривожланишининг ўзига хос хусусиятлари ва илм-фаннинг турли соҳалари ривожланишига тўхталиб ўтдик.

Аббосийлар сулоласи давридаги Араб халифалиги ҳудудларидаги ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётни ўрганиб, таҳлил этиб қуйидаги хулосаларга келинди:

- Халифалик тахтига Аббосийлар сулоласи халифалари келганидан кейин сиёсий ҳаётда барқарорлик ўрнатилиб, амалда ҳарбий юришлар олиб бориш тўхтади;
- Бу даврда сиёсий барқарорлик туфайли мамлакат иқтисодий ҳаёти тартибга солинди: деҳқончилик, чорвачилик ва ҳунармандчиликнинг тқрили соҳалари ривожланди;
- Халифаликнинг турли ҳудудларида ноибларнинг нотўғри сиёсати ва солиқларнинг оширилиши туфайли юз берган халқ ҳаракатлари ва кўзғолонлар ҳудудларда ижтимоий муносабатларнинг нотенглигини кўрсатди;
- Халифаликда ўрнатилган сиёсий ҳаётдаги барқарорлик ўз навбатида маданий ривожланишга сабаб бўлди. Халифаликнинг асосий шаҳарлари-Боғдод, Қуфа, Дамашқ ва бошқалар маданият марказларига айланди;
- Аббосийлар халифалигининг ривожланган шаҳарлари бутун шарқда илм-фан марказларига айланди. Бу шаҳарларда халифаликнинг турли ҳудудларидан келган олим ва фузалолар илмий фаолият билан шуғулланган;
- Аббосийлар даврида яратилган маданият намуналари жаҳон маданиятининг ажралмас қисми бўлиб, кейинги даврларда Шарқ мамлакатларининг маданий ҳаёти ривожланишига катта таъсир кўрсатди.

## **Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати**

### **I. Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов асарлари**

1. Каримов И. А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Тошкент: Ўзбекистон, 1997.
2. Каримов И. А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Тошкент: Шарқ, 1998.
3. Каримов И. А. Юксак маънавият – енгилмас куч. Тошкент: Маънавият, 2007.
4. Каримов И.А. Энг асосий мезон – ҳаёт ҳақиқатини акс эттириш. Тошкент. Ўзбекистон, 2009.
5. Каримов И.А. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш - устувор мақсадимиздир. Тошкент. Ўзбекистон. 2010.
6. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг кўшма мажлисидаги маъруза) Тошкент: Ўзбекистон, 2010.
7. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. Тошкент:Ўзбекистон, 2011.

### **Тарихий манбалар**

1. Ат-Табарии Мухаммад ибн Джарир. История ат-Табари (пер.В.И. Беляева). Т., «Фан», 1987.
2. Берунии Абу Рейхан. Памятники минувших поколений. (пер. Салье М.А.) Т., 1957.
3. Ибн Хордодбек. Книга путей и стран. (пер. с араб. Валихонова Н.) Баку, 1986.
4. Бартольд В.В. Культура мусульманства. (Сочинения Т. 6.) Пг., 1918.

5. Бартольд В.В. Работы по истории ислама и Арабского халифата. Сочинения Т.6. М.,1966.
6. Бартольд В.В. Ученые мусульманского «ренессанса». Л., 1930.
7. Крымский А. Е. История мусульманства. Ч. 1-3. М., 1904.
8. Мюллер А. История ислама с основания до новейшего времени.Т.1-3. Спб, 1895-1896.

## **II. Адабиётлар рўйхати**

1. Беляев Е.А. Арабы, ислам и арабский халифат в ранне средневековье. М., 1965.
2. Беляев Е.А. Мусульманское секстантство. М., 1957.
3. Большаков О. Г. История халифата. Т. I. Ислам и Аравия (570-633) М., 1959; Т.2. Эпоха великих завоеваний (633-656). М., 1993.
4. Большаков О. Г. Средневековый город Ближнего Востока. (VII – середине XIII вв) М., 1984.
5. Босворт К. Э. Мусульманские династии. М., 1971.
6. Васильев Л.С. История Востока. Часть-1. М., «Высшая школа», 2005.
7. Гольдциер И. Лекции об исламе. М., 1912.
8. Грюнебаум Г.С. Классический ислам. (600 -1258 гг.) М., 1986.
9. Еремеев Д.Е. Ислам образ жизни и стиль мышления. М.,1990.
- 10.Ислам. Религия, общество, государство. Сбор. ст. (Отв. ред. Грязневич П. А. и Прозов С. М.). М., 1984.
11. Ислам. Энциклопедический словарь. М., 1991.
- 12.История стран Азии и Африки в средние века. //Ацамба Ф.М., Лапина З. Г., Мейер М. С. Часть-2. М., «МГУ», 1987.
13. Мец А. Мусульманский Ренессанс. М., “Наука”, 1973.
14. Мусульманский мир. (950-1150) Сбор. ст. (Отв. ред. В. В. Наумкин и М. Б. Пиотровский). М., 1981.

15. Мюллер А. История ислама. Т. 1-2. М., 2004.
16. Петрушевский И. П. Ислам в Иране. Л., 1966.
17. Стэнли Лэн-Пуль. Мусульманские династии. М-Т-Б., 1996.
18. Сто великих династий. М., Вече, 2005. 76-80 бетлар.
19. Фильштинский И. М. Очерки истории арабской культуры V –XV вв. Материалы и исследования. М., 1982.
20. Фильштинский И. М., Шидфар Б.Я. Очерк арабо-мусульманской культуры (VII –XII вв). М., 1971.
21. Фильштинский И. М. История арабской литературы X -XVIII вв. М., 1991.
22. Фильштинский И. М. История арабов и халифат. М., 1999.
23. Фильштинский И.М. Халифат в период господство Аббасидов (750-1258). М., «РАН», 2005.
24. Фильштинский И. М. История арабов и халифата. 750-1517. М., 2006.
25. Халидов А. Б. Арабские рукописи и арабская рукописная традиция. М., 1985.
26. Хрестоматия по исламу. (Сост. Прозоров С. М.) М., 1994.
27. Чистякова Т. А. Арабский халифат. М., 1962.

**ИЛОВА****Аббосийлар халифалигини 750-1258 йилда бошқарган халифалар:**

- |                                |                            |
|--------------------------------|----------------------------|
| 1. <b>Асосчиси:</b> Абул Аббос | 18. Каҳир (932)            |
| Саффоҳ (750- 754)              | 19. Ради (934)             |
| <b>Ривожланган даври:</b>      | 20. Муттаки (940)          |
| 2. Ал – Мансур (754)           | 21. Мустақфий (944)        |
| 3.Ал- Маҳди (775)              | 22. Мути (946)             |
| 4.Хорун ар- Рашид (786)        | 23. Таъиъ (974)            |
| 5.Амин (809)                   | 24. Кадир (991)            |
| 6. Маъмун (813)                | 25. Каъим (1031)           |
| 7. Муътасим (833)              | 26. Муқтади (1075)         |
| 8. Васик (842)                 | 27. Мустазхир (1094)       |
| 9. Мутаваккил (847)            | 28. Мустаршид (1118)       |
| 10. Мунтасир (861)             | 29. Рашид (1135)           |
| 11. Мустаъин (862)             | 30. Муқтафи (1136)         |
| 12. Мустаъза (866)             | 31. Мустанжид (1160)       |
| 13. Мухтади (869)              | 32. Мустади (1170)         |
| 14. Муътамид (870)             | 33. Носир (1180)           |
| <b>Парчаланиш даври:</b>       | 34. Захир (1225)           |
| 15. Мутаъдид (892)             | 35. Мунтасир (1226)        |
| 16. Муқтафи (902)              | 36. Мустаъсим (1242- 1258) |
| 17. Муқтадир (908)             |                            |

## **Ҳимоя маърузаси:**

### ***Саломдан кейин.***

Ҳимояга тақдим этилаётган Малакавий иши мавзуси “Аббосийлар сулоласи ҳукмронлиги даврида араб халифалигининг ижтимоий-иқтисодий ва маданий тараққиёти (750-1258)” деб номланади.

Тадқиқот иши кириш қисми, 3 та боб, 6 та параграф, хулоса, фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати ҳамда иловадан иборат.

Тадқиқот ишининг биринчи бобида Аббосийлар сулоласи вакилларининг ҳокимият тепасига келиши ва Аббосийлар сулоласи ҳукмронлиги даврида халифаликда иқтисодий муносабатларнинг ўзига хос хусусиятлари акс этган. Иккинчи бобда халифаликдаги феодал муносабатлар, халқ ҳаракатлари ва кўзғолонлар ўз аксини топган. Учинчи бобда Аббосийлар халифалигида маданий ҳаёт ва илм-фан тараққиёти ёритилди.

**Мавзунинг долзарблиги.** Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришиб, ҳуқуқий-демократик давлат ва фуқоролик жамияти қуриш йўлида бормоқда. Мустақиллик халқимиз маънавий уйғониши учун катта имконият яратди. Тарихимиз ва миллий кадриятларимиз тикланмоқда.

Малакавий ишда Аббосийлар сулоласи ҳукмронлиги даврида (750-1258) Араб халифалигида сулоланинг ҳокимият тепасига келиши, халифалик ҳудудига кирган давлатлар ва халқларнинг турмуш-тарзи, иқтисодий ҳаётининг асосини ташкил этган: деҳқончилик, хунармандчилик, савдо-сотик, феодал муносабатларнинг ўзига хос хусусиятлари ва ўрта аср Европа феодал муносабатларидан фарқи, ўхшашлик жиҳатлари, халифалик иқтисодий ривожланишига катта таъсир кўрсатган халқ ҳаракатлари ва кўзғолонларнинг сабаблари, моҳияти ва оқибатлари, халифалик таркибидаги халқлар яратган маданиятнинг ўзига хос хусусиятлари, бу маданиятнинг бошқа халқлар маданиятига таъсири ва жаҳон маданиятига қўшган ҳиссаси каби масалалар ўз аксини топган.

Бизнинг аجدодларимиз ва ҳудудимиз ҳам бевосита Аббосийлар халифалиги таркибида (VIII-IX асрлар) бўлганли ва халқимиз тарихи ҳам бевосита халифалик тарихи билан боғлиқ бўлганлиги учун ҳам ушбу мавзу бугунги кунда моҳияти ва кўлами жиҳатидан халқимиз тарихини ўрганиш учун ҳам долзарбдир. Бугунги кунда ушбу мавзу кам тадқиқ этилганлиги, шу мавзуга оид илмий адабиётларнинг камлиги бўлсада тўлиқ эмаслиги нуктаи назаридан долзарблиги билан ажралиб туради.

**Тадқиқотнинг даврий ва географик чегараси.** Тадқиқот ишининг даврий чегараси 750-1258 йилларни ўз ичига олади. Мавзу географик



жиҳатдан Аббосийлар халифалигига кирган ҳудудлар яъни Шимолий Африкадан Хитойгача, Арабистон ярим оролидан Каспий денгизигача бўлган ҳудудларни ўз ичига олади.

**Тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари.** Ушбу тадқиқот ишидан кўзланган мақсад шуки, Аббосийлар ҳукмронлиги даврида Араб халифалигида кечган ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётини ёритиш ва уни илмий адабиётлар асосида таҳлил этишдан иборат. Бу мақсадга эришиш учун қуйидагиларни асосий вазифа қилиб қўйдик:

- Аббосийлар сулоласининг ҳокимият тепасига келиши, унинг сабаблари, шу билан бирга омиллари ва натижаларини кўрсатиб бериш;
- Бу даврда халифаликнинг иқтисодий жиҳатдан тараққий этиши яъни, деҳқончилик, чорвачилик ва ҳунармандчиликнинг ривожланиши йўналишларини ёритиб бериш;
- Халифаликдаги феодал муносабатларнинг ўсиб бориши ва унинг ўзига хос хусусиятларини очиқ бериш;
- Аббосийлар сулоласи ҳукмронлиги даврида юз берган халқ ҳаракатлари ва кўзғолонлар (Абу Муслим, Муқанна, Шарик, Бобек, Рофе ибн Лайс кўзғолонлари ва бошқа халқ ҳаракатлари ) натижаларни асослаб бериш;
- Халифаликда маданий тараққиётнинг юксалиши ва унинг жаҳон маданияти тараққиётига қўшган ҳиссасини баён этиш;
- Аббосийлар халифалигида илм-фаннинг турли соҳалари тараққий этиши ва фанларнинг ривож топишига ҳисса қўшган олимларнинг ҳаётини акс эттириш.

**Мавзунинг ўрганилиш даражаси.** Ушбу тадқиқот иши бўйича Чистяков Т. А. Арабский халифат., Беляев Е. Арабы, ислам и арабский халифат в ранне средневековье., Большаков О. Г. История халифата., Мец А. Мусульманский Ренессанс., Грюнебаум Г. С. Классический ислам (600 -1258 гг), Босворт К. Э. Мусульманские династии., Мюллер А. История ислама., Стэнли Лэн-Пуль. Мусульманские династии., Фильштинский И. М. История арабов и халифата 750-1517. ва бошқа бир катор асарлар мавжуд. Уларда Аббосийлар халифалиги ҳаётининг турли соҳалари акс эттирилган.

**Малакавий ишнинг илмий янгилиги** шундаки, Аббосийлар халифалиги таркибига кирган халқларни ҳаётининг барча соҳалари янги илмий тадқиқотлар асосида ўрганилди. Аббосийлар халифалиги тарихи билан боғлиқ илмий адабиётлар таҳлил этилиб, ундаги маълумотлар бир-бири билан қиёсий ўрганилди. Аббосийлар ҳукмронлиги даврида юз берган ижтимоий-иқтисодий ва маданий жараёнлар янги илмий тадқиқотлар ва янги мафкура асосида таҳлил этилди.

**Тадқиқотнинг манбавий асоси.** Ушбу Малакавий иш мавзуси бўйича ёзилган манбаларда Аббосийлар халифалигининг ижтимоий, иқтисодий ва маданий ҳаёти кўрсатиб ўтилган. Масалан, Ат-Табарии

Мухаммад ибн Джарир. “История ат-Табари” (пер.В.И. Беляева. Т., “Фан”. 1987) асарида халифаликдаги ўша давр воқеаларининг гувоҳлари маълумотлари асосида ёзилган. Бартольд В.В. “Культура мусулманства” (Сочинения Т. 6. Пг., 1918) китобида IX-XII асрлардаги мусулмон уйғониш даврининг ўзига хос хусусияти ва бу даврда ўзининг илмий асарлари билан жаҳон илм-фанига катта ҳисса қўшган олимларнинг фаолияти ёритилган. Бартольд В.В. “Ученые мусулманского ренессанса” (Л., 1930) асарида мусулмон уйғониш даврида ижод этган олимларнинг илмий фаолияти акс эттирилган. Берунии Абу Рейхан. “Памятники минувших поколений” (пер. Салье М.А. Т., 1957) асарида XI асргача бўлган даврда халқларнинг турмуш-тарзи, ҳаёти ва маданияти акс эттирилган. Ибн Хордодбек “Книга путей и стран” (пер. с араб. Валихонова Н. Баку., 1986) асарида сайёҳ ўзи кезиб чиққан ҳудудлардаги мамлакатларнинг жойлашуви, бу ерлардаги халқлар ва савдо йўллари кўрсатиб берилган.

Шунингдек, ушбу мавзу бўйича бир неча монография ва илмий мақолаларда Аббосийлар халифалигидаги ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётнинг у ёки бу соҳалари ўз аксини топган.

**Малакавий ишга хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки,** Араб халифалигида Аббосийлар сулоласи ҳукмронлиги сал кам беш аср (750-1258) давом этди. Аббосийлар сулоласи VIII аср ўрталаридаги халифаликда кучайиб кетган Абу Муслим қўзғолони натижасида ҳокимият тепасига келди. 1258 йилда мўғулларнинг халифалик пойтахти- Боғдодни босиб олиши билан Аббосийлар сулоласи ҳукмронлиги тугади. Аббосийлар давлати пойтахт номи билан Боғдод халифалиги деб ҳам аталади. Араб халифалигида ҳокимиятнинг Уммавийлар сулоласидан Аббосийлар сулоласига ўтиши фақат ҳукмрон сулоланинг алмашиниши сифатида қараш керак эмас. Европадаги баъзи тадқиқотчилар бу сулола алмашинишини “Аббосийлар инқилоби” деб атайдилар. Бу воқеа халифалик тарихида радикал кучларнинг давлат тўнтариши бўлди.

Аббосийлар сулоласи ҳукмронли даврида Араб халифалиги ҳам иқтисодий ҳам ижтимоий ва маданий ҳаётда ривожланиб, унинг маданияти намуналари кейинги даврларда инсоният тарихи маданияти учун асос бўла олди. Айнан шу асрларда араблашиш жараёни халифаликнинг марказий ҳудудлари: Сурия, Ироқ ва Мисрда тез кечди.

Араб халифалиги томонидан босиб олинган ҳудудлар араб тилини қабул қилиб, шу тилда араб-мусулмон маданиятининг бой намуналарини яратдилар. Халифалик халқлари Ўрта ер денгизи ва қадимги Шарқ цивилизациялари меросини ўрганиб, шу асосда ўзларининг янги маданиятини яратдилар. Араблар томонидан босиб олинган ҳудудларда араб тили маданият белгисига айланди. Халифалик аҳолиси ислом динини қабул қилиши билан бирга ўзларининг илгариги диний эътиқодларини ҳам сақлаб қолдилар. Айнан шу даврда араб тили

халқаро маданият тили бўлгани учун халифалик халқлари худди ўрта асрлар Европасидаги халқлар латин тилидан ўз маданиятларини яратганлари сингари ўзларининг илмий, диний-фалсафий ва адабий меросини шу тилда ёздилар.

IX-XIII асрлардаги мусулмон уйғониш даврида вужудга келган барча моддий ва маънавий маданият намуналари Аббосийлар халифалиги таркибига кирган халқлар томонидан яратилди. Аббосийлар сулоласи даврида халифаликда гарчи сиёсий ва ҳарбий соҳада ортда қолган бўлсада, ижтимоий иқтисодий ва айниқса, маданий соҳада катта илмий ютуқлар қўлга киритилди. Аббосийлар сулоласи халифаларининг бу соҳаларга ҳомийлик қилишлари ривожланишга асос бўлди. Халифалик таркибига кирган халқлар ижтимоий ҳаёт даражаси, маҳаллий миллий анъаналари ва тарихий тақдири турли даражада бўлишига қарамай ислом халқлари доирасида умуммусулмон маданиятини яратдилар. Мусулмон маданиятининг ривожланган даврида Аббосийлар халифалигида юз берган ички зиддиятлар ва ҳудудларнинг мустақилликка интилиши кучайди.

Аббосийлар сулоласи давридаги Араб халифалиги ҳудудларидаги ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётни ўрганиб, таҳлил этиб қуйидаги хулосаларга келинди:

- Халифалик тахтига Аббосийлар сулоласи халифалари келганидан кейин сиёсий ҳаётда барқарорлик ўрнатилиб, амалда ҳарбий юришлар олиб бориш тўхтади;
- Бу даврда сиёсий барқарорлик туфайли мамлакат иқтисодий ҳаёти тартибга солинди: деҳқончилик, чорвачилик ва ҳунармандчиликнинг тқрли соҳалари ривожланди;
- Халифаликнинг турли ҳудудларида ноибларнинг нотўғри сиёсати ва солиқларнинг оширилиши туфайли юз берган халқ ҳаракатлари ва кўзғолонлар ҳудудларда ижтимоий муносабатларнинг нотенглигини кўрсатди;
- Халифаликда ўрнатилган сиёсий ҳаётдаги барқарорлик ўз навбатида маданий ривожланишга сабаб бўлди. Халифаликнинг асосий шаҳарлари-Боғдод, Қуфа, Дамашқ ва бошқалар маданият марказларига айланди;
- Аббосийлар халифалигининг ривожланган шаҳарлари бутун шарқда илм-фан марказларига айланди. Бу шаҳарларда халифаликнинг турли ҳудудларидан келган олим ва фузалолар илмий фаолият билан шуғулланган;
- Аббосийлар даврида яратилган маданият намуналари жаҳон маданиятининг ажралмас қисми бўлиб, кейинги даврларда Шарқ мамлакатларининг маданий ҳаёти ривожланишига катта таъсир кўрсатди.

**ЭЪТИБОРИНГИЗ УЧУН РАҲМАТ!**